

Мавлоно Жалолiddин Румий,
Шарк мутафаккири

Қаердаки ақалли бир томчи мухаббат бўлса, ўша ерда уммон қадар сабр ҳам бор...

Kitob duniyosi



Маънавий-маърифий, адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 19 (333)
2020 йил
11 декабрь.
Газета ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанбасида чоп этилади.




Антон ЧЕХОВ,
рус адаби

Яхши ахлоқ – дастурхонга овқат тўкиб қўймаслик, дегани эмас, балки кимдир шундай ноқулай вазиятга тушганда, ўзингизни кўрмаганга олиш, дегандир.

Бизни билган биллади, билмаган ўзи биллади.

Жалолiddин Румий

АДАБИЁТ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР



Густав ФЛОБЕР

Ўзининг устунлиги чўққиларидан туриб истеъдодли замондошларини буниси биринчи, униси иккинчи, бошқаси эса учинчи, деб баҳолаш ҳуқуқи кимга берилган?

Шуҳрат аксари ҳолларда алдамчи бўлади. Баъзиларнинг тақдирига қайтмас бўлиб кетиш ёзилган бўлса, бош-

қалари узоқ вақт ҳеч кимнинг ёдига тушмайди, баъзи бировлари эса янги муваффақиятларини тантана қилади.

Сент-Бевга қадар Ронсар унутлмаганми? Сент-Аман доим Жак Деллгга нисбатан эътиборсизроқ шоир эмасмиди? «Дон Кихот», «Жил Блаз», «Манон Леско»... ва бошқа яхши ро-

манлар «Том тоға» сингари муваффақиятга эришмаган эди. Ёшлигимда Казимир Делавин билан Виктор Гюгони қиёслаганларини эшитгандим.

Биз ўз фикрларимизни эҳтиёткорлик билан баён қилишимиз зарур. Авлодлар ўзининг баҳосини беради. Балки улар ҳужумларимизни, кўпроқ эса

ҳаддан зиёд кўкка кўтаришларимизни кўриб кулишар?

Ёзувчи шуҳрати умумий овоз бериш натижаси эмас, балки кичик гуруҳдан иборат ақлларнинг фикрларига боғлиқ бўлади.

1870

Авлиёхон ЭШОН таржимаси



1957 йилда таваллуд топган Кристофер Меррилл америкалик шоир ҳисобланиб, у, шунингдек, публицистика, журналистика соҳаларида ҳам калам суради. Унинг олтинта шеърий тўплами нашр этилган, шу жумладан, «Оловга боқ» тўплами учун Америка шоирлари академияси томонидан тақдирланган. Асарлари қирқка яқин дунё тилларига таржима қилинган.

Кристофер МЕРРИЛЛ:

“ВАҚТ ВА АДАБИЁТ УМРБОҚИЙ АСАРЛАРНИ САРАЛАБ ОЛАДИ”

– Дунё адабиётига қўшган энг муҳим ҳиссангиз нимада деб ўйлайсиз?

– Агар ҳозир дунё адабиётига ҳисса қўшиш ҳақида тасаввур қилсам... ўйлашимнинг ўзи беҳуда уриниш бўлади. Негаки вақт ва адабиёт умрбоқий асарларни ўзи саралаб олишини шоир сифатида яхши англайман.

Ўрта аср инглиз ижодкорлари ҳақида ўйланг, Жеффри Чосернинг «Кентерберри ҳикоялари», Уильям Ленгленднинг «Пирс қўш ҳайдовчи»си ва Марварид Шоирнинг «Яшил Рицар»и, барчаси ўн тўртинчи асрнинг иккинчи ярми инглиз адабиёти намуналари ҳисобланади. Бироқ Ленгленднинг, Марварид Шоирнинг асарларига нисбатан Жеффри Чосернинг қаҳрамонлик жуфтликлари ҳозирги адабий тил унсурларига яқинроқ туялади. У яратган шеърлар қочиримларга бойлиги, инсонни ўйлашга, тафаккур қилишга мажбур қилиши, халқ тилига яқинлиги билан ажралиб туради.

Агар Оденнинг илгари сурган «Тил ҳаммани кечиради ва улғулайди», деган фикрлари ҳақиқат бўлса, яъни тил адабиётнинг яшашига ҳисса қўшган инсонларни улғуласса, умид

қиламанки, менинг ҳам шахсий хатоларим кечиради. Адабиёт ўзига керакли асарларни сақлаб қола олади.

Шунга қарамай, мен Айова Университетининг «IV» дастурини бошқарган йигирма йил давомида дунёдаги таниқли ва кўзга кўринган ижодкорларга кўрсатган ғамхўрлигим адабиёт оламида катта ўзгаришлар юз беришига туртки берди, деб ўйлайман.

Мен ва менинг ходимларим ҳар кузда уч ойлик истиқомат учун ёзувчиларнинг энг хилма-хил ва истеъдодли қисмини бир жойга тўплаш учун кўп ҳаракат қиламиз. Уларга жой, вақт, ўқиш учун манбалар, саёҳатлар ва кўнглидошлик, руҳдошлик учун доимий суҳбатлар тақлиф қиламиз.

Бундан кўзланган мақсад шундаки, ушбу йигинларда иштирок этган ёзувчиларнинг асарларида кўпинча юксалиш кузатилади, бу уларга самарали таъсир ўтказади. Бизга, адабиёт шахримизга таширф буюрган ёзувчилар томонидан яратилган шеърлар, новеллалар, роман, очерк ва драмалар ҳозирги давр адабиётига нимадир бера олишига умид қиламан.

2-бет



Матназар АБДУЛҲАКИМ

ҚОР ҚЎШМАТ

Лаҳза тиним билмай кутдим бу кунни,
Бугун орзуларим, мана, ушалди.
Сен атайин ухлаб ўтказдинг тунни,
Мен-чи ёғавердим, мен-чи тўшалдим.
Бўронларда елиб, ҳовлингга келиб,
Уйинени айланиб кездим жон ҳалак.
Ниҳоят, ниҳоят, уйғотдим сени
Деразангда бўлиб гирдикапалак.
Ёғдуга кўмилди бедор ҳисларинг,
Улар боис бўлди оппоқ фаҳримга.
Оҳиста-оҳиста босган изларинг
Ўйилиб-ўйилиб қолди бағримга.

Истасанг, дўстинга от. Турибман шай.
Ахир нечун бундан қилай орлар ман.
Севиб, шодлигимдан осмонга сиғмай,
Сенга зорлар бўлиб ёгган қорлар – ман.
Мен учиб қўнайин, сен қувна ял-ял,
Сен сира қилмагин шодликни канда.
Кечир кўзёшинга ўхшаб қўйсам сал,
Кипригинга аста қўнаётганда.
Шодлигинга қисқа умримни бериб,
Оҳ-фиғон қилмасдан, демай: «Хайр, очун!»
Аста ер қаърига кетаман эриб
Сенга атаб гуллар юбориш учун...

Шоира ва мусаввира Лидия Кьярелли 2007 йилда Туринда таъсис этилган «Тасвир ва шеърият» адабий ҳаракатининг асосчиларидан бири ҳисобланади. У шеърият ва тасвирий санъатга қўшган ҳиссаси учун 2011 йилда Суонси (Буюк Британия) биринчи халқаро шеърият фестивалнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Five Pushcart Prize (AQSH) мукофоти, бадий санъат бўйича Турин миллий мукофоти (2014), Паннунцио мукофоти (2015), Арона шаҳри мукофоти, Омодеи Зорини номили мукофот (2016), Ливиядаги Нажи Нааман номидаги фонднинг нуфузли адабий мукофоти (2019) билан тақдирланган. Асарлари қатор тилларга таржима қилинган ва кўплаб мамлакатларнинг адабий-бадий журналлари ва сайтларида эълон қилинган.

Лидия КЪЯРЕЛЛИ:

“ШЕЪРИЯТ КЎНГИЛГА УМИД БЕРИШИ ЗАРУР”

– Кьярелли хоним, жаҳон адабиётига қўшган ҳиссангиз нималардан иборат деб ўйлайсиз?

– 2007 йилда Аэронви Томас билан ҳамкорликда Туринда «Тасвир ва шеърият» адабий ҳаракатини таъсис этдик. Ҳаракат дастурида санъатнинг янги, тақомиллашган кўриниши айнан «Тасвир ва шеърият» уюшмаси орқали тарғиб этилишини таъкидладик. Бир неча йил мобайнида ҳаракатимиз Интернет тармоғи ва халқаро кўргазмалар воситасида шиддат билан тарқалди, бугун мазкур ҳаракатга бутун дунёдан юзлаб шоир ва рассомлар қўшилишган. Бу бизнинг адабиёт ва санъат соҳаларидаги камтарин ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

– Сизнингча, инсоният ижтимоий фанларсиз қай аҳволга тушган бўларди?

– Жорж Оруэлл ўзининг «1984» номили асарида инсоният гуманизм фанларсиз қай аҳволга тушишини бизга намоён этди. Асарда технологиялар ҳукмронлик қилган, ҳокимият эса уни бошқараётган кўпларда бўлган дунё тасвирланади. Бундай ҳолатда инсоният телеэкран, камера ва яширин микрофонлар томонидан кўриқланадиган, тўлиғича тоталитар тартибларга бўйсунган митти мавжудотга айланиб қолади.

Мен айна вақтда ўзининг «Технология инсониятга қарши» китобида технологияларнинг биз истиқомат қилаётган дунёга қандай таъсир қўраётгани мумкинлигини тахлил қилган футурист Герд Леонардининг фикрига тўлиқ қўшиламан. У асарида олам Оруэллнинг илмий фантастик асарларида тасвирланган ҳолатга тушиб қолишдан ҳавотирланишини қайд қилган. Бундан ташқари, у технологиялар етакчиларини рақамли этикага риоя қилишга ҳам даъват этган.




– Инсонлар шеъриятни ўз ҳаётларида нималарда топшилари мумкин?

– Биз яраланган дунёда яша-япмиз. Ҳар куни оммавий ахборот воситаларида зўравонлик, ваҳшийлик, уруш, адолатсизлик ҳақида ёзилади, кўрсатилади. Икки минг йигирманчи йил эса дунё мамлакатларини шиддатли ва бўйсунмас Covid-19 пандемияси билан янада кўпроқ ташвишга туширди.

Шеърият, назаримда, уни яратётганлар учун ҳам, мутолаа қилувчилар учун ҳам бугунги кунда кўплаб инсонларни қамраб олган руҳий тушқунликка қарши восита бўлиши керак. Шеърият ҳаётни бошқа нуқтадан ёритиб бериши, инсоният кўнглида умид чирогини ёқа олиши зарур.

– Бугунги кунда шеърият ижтимоий тармоқлар билан қандай рақобат қила олиши мумкин?

– Ижтимоий тармоқлар шеъриятни яхшилаш ва янги ифода воситаларини яратиши мумкин. Инстаграм-шеърият яқиндан янги адабий жанр сифатида дунёга келди. Америкалик Жамол Кадура 2015 йилдан бери шеърларини Инстаграм ижтимоий тармоғида эълон қилиб боради, айна вақтда кўплаб ижодкорлар унинг изидан бориб, инстаграм-шоирга айланиши ҳам. Мазкур шеърлар қисқа, ихчам бўлиб, аънавий шеърларга нисбатан оддийроқ тилда ифодаланган. Фейсбук ва Твиттер ижтимоий тармоғида ҳам худди шунга ўхшан шеърият гуруҳлари юзага келди. Бу ерда шоирларнинг ўзига яраша мухлислари бор. Бироқ шунга қарамай, том маънодаги адабиёт, гарчи бугун камсонли ўқувчиларга эга бўлса-да, ўз қади ва қийматини йўқотгани йўқ ва йўқотмайди ҳам. Маъруф ТОШПҮЛАТОВ суҳбатлашди



Талъат СОЛИХОВ,
адабиётшунос

Адабиётнинг бирдан-бир вазифаси – ҳаётни ошқора кўрсатиш, унинг фожеасини кўрсатиш.***

Чақалок туғилиши билан каттиқ йиғлар экан, у дунёга келганини интуитив равишда хис қилиб, даҳшатдан йиғлайди. Менингча, унинг тафаккури катта бўлганда тафаккурига тенг. Фақат у улғайгандагина мазкур тафаккур намоён бўлади.

Абдували Қутбиддин номидаги танлов якунланди

Нихоят, сўнги маррага ҳам етиб келдик. Адабиёт ихлосмандларининг хабари бор – йил бошида “Китоб дунёси” газетаси ташаббуси билан таҳририят республикамиз ва чет эллик ижодкорларни рағбатлантириш, китоб ва маънавий тарғиботини янада ривожлантириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида шoir Абдували Қутбиддин номидаги мукофот учун танлов эълон қилган эди. Албатта, шу билан бир қаторда, маъмур танловни ўтказишдан бошқа мақсадлар ҳам қўзланган эди – марҳум хассос шoirимиз, ўзининг ижод фалсафасию нафосати билан қўшлаб шеърхонларнинг кўнглидан жой олган Абдували Қутбиддин номини дунёга танитиш ва хотирасини кадрлаш бир томон бўлса, нафақат ўлкамиз, қолаверса, дунё шoir-ёзувчиларини бирлаштириш бир томон бўлди.

Йил давомида шoir ва ёзувчилар ўз муаллифлик асарлари билан танловда қатнашишлари билан бир қаторда, хоризжда қалам тебратётган ватандошларимиз ҳамда чет эллик муаллифлар ҳам ўз ижод намуналарини таҳририятга тақдим этишди. Маъмур ижод намуналари газета саҳифаларида эълон қилиниб борди. Тўғри, таҳририят барча ижод намуналарини эълон қилишга улгурмади. Бунинг сабаби кўпчилиكنинг кўнглидан утган бўлиши табиий: таҳририятга юборилган материаллар ниҳоят даражада кўп бўлди, газета саҳифалари эса чегараланган. Турган гап,

бу бизни қувонтирадики, демак, ҳали адабиёт “улмаган”, ҳали босма матбуот эътибордан четда қолмаган, инсонлар қалбида шеър яшамоқда. Яна бир қутилмаган сабаб ҳам бўлдики, бу бутун дунё аҳолисини эсанкиратиб қўйди – мана, ўша машъум касаллик боис қарийб олти ойга чўзилган карантин давридан утган бўлсақ-да, ҳамон унинг асорати давом этмоқда.

Йил охирида, танлов якунига етиб борар экан, ҳолис баҳолаш мақсадида ижод материаллари турли мамлакатлардаги танлов ҳайъатига тақдим этилди. Хусусан, бу борада америкалик шoir, Техас университети про-

фессори Гекё Маринай бош ҳакамлиги остида, вьетнамлик шoir, Цикада мукофоти совриндори Май Ван Фан, туркиялик шoir Меҳмет Нури Пармаксиз ва ўзимизнинг шoirимиз Азиз Саид бошчилигида бизга катта ёрдам беришди. Ушбу ҳайъат аъзолари баҳоли қудрат ижод намуналари билан бафуржа, синчковлик билан танишиб чиқишди. Тан олиш керак, ҳайъат аъзолари учун қолибларни аниқлаш анчагина мушкул бўлди. Нега деганда, дунёнинг турли бурчларидан жўнатилаётган материаллар ўша мамлакат ҳассос ижодкорининг энг сара асариди, десак, муболага бўлмайди.

Гарчи баъзи ижод намуналари газета саҳифаларимизга кўчмаган бўлса-да, ушбу асарларни бир китоб ҳолида нашр этишни кўнглимизга тугдик. Ва қисқа вақт ичида “Дунё бўйлаб 100 шoir” номли китоб қўлларингизга етиб боришига умид қиламиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзоларига, бизга ўз ижод намуналарини жўнатиб берган ижодкорларга, газетамизнинг ва ўзбекистонлик барча адабиёт ихлосмандлари номидан миннатдорлик билдирамиз.

ТАҲРИРИЯТ

Танлов таҳрир ҳайъати:



Азиз САИД,
Ўзбекистон






Гекё МАРИНАЙ,
АҚШ



Май Ван ФАН,
Вьетнам



Меҳмет Нури ПАРМАКСИЗ,
Туркия



(Давоми. Боши 1-бетда)

Кристофер МЕРРИЛЛ:
“ВАҚТ ВА АДАБИЁТ
УМРЪОҚИЙ
АСАРЛАРНИ
САРАЛАБ ОЛАДИ”

– Гуманитар фанларсиз инсониятни қандай тасаввур қиласиз?

– Гуманитар фанлар, умуман олганда, тажрибаларимизни талқин қилишга имкон беради. Антропология ва археология, тасвирий ва ижро санъати, тарих ва адабиёт, фалсафа ва дин, ҳуқуқ ва сиёсат, тиллар ва тилшунослик каби фанларни ўрганишда ҳар биримиз ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва келажакимиз билан ҳисоб-китоб қилишни ўрганамиз.

Маъно қидириш ҳар бир жамиятда мунтазам олиб борилувчи нарсасидир. Биз маъно чиқаришнинг турли шаклларида ўзимизнинг ва атрофимиздагиларнинг турли маъно яшаш усуллари орқали энг гангитувчи жумбоқларимизга ҳам ечим чиқариш йўлини топишимиз мумкин. Бу пандемия даврида ҳар

қачонгидан кўра ҳақиқатга яқинроқ, шундай эмасми?

50 йиллик юбилейида ўз жонига суиқасд қилган шoir Пол Селан даврида мен Жан Девнинг ғайриоддий эсдалигини мутолаа қилганман, номи “Гумбаз остида”. Бу асарда Пол Селан дўсти ХХI асрнинг энг буюк немис шoirи билан саёҳат қилади. Икки таржимон шoir сўзнинг аҳамиятини англаган ҳолда Париж кўчалари бўйлаб қилган сайрларида сўзларнинг моҳияти очиб берилди. Асарни ўқирканман, Дейвнинг амалдаги тавсифлари, Трамп президентлиги йиллари давомида содир бўлган глобал муоммолар тўғрисида ёзганларим ҳақида мулоҳаза қилиб олишимга туртки берди. Ва эндиликда гуманитар фанларнинг мутахассислари Трамп тўғрисидаги ҳақиқатлар-

ни текшириб кўришди ва бу ўз навбатида, расомлар ва ёзувчиларнинг янги авлодларини тушунишга, англашга илҳомлантиради.

– Инсонлар ўз ҳаётлари мобайнида шеърини қандай топадилар?

– Шеъринг ҳамма жойда бор, шундай эмасми? Китоб дўконларида, кутубхоналарда, ижтимоий тармоқларда... Ҳар гал бир шеър иккинчисига етаклаб боради. Агар шеър америкалик шoir Ҳовард Немеров айтганидек диққат билан бошланган бўлса, унда биз эътиборли бўлишимиз керак: атрофимизга, борлиққа, инсонларнинг суҳбатига, яқинларимизнинг совгаларига... Шеъринг ҳамма жойда мавжуд!

– Шеъринг ижтимоий тармоқлар билан қандай рақобатлаша олади?

– Шеъринг оммавий ахборот воситалари билан беллашиши шарт эмас, қолаверса, мен ҳар куни шу оммавий ахборот воситалари орқали янги шеърларни ўзим учун кашф қиламан. Твиттерда шoirлар билан биргаликда журналистлар, сиёсатшуносларни ҳам кузатиб бораман. Мамлакатнинг демократик ҳолатини, анъаналарини таҳлил қилиб бориш менга ёқди. Шеъринг бошқа санъатлардан фарқи ўлароқ, моҳиятан ўзгача бир санъатдир, шунинг учун ҳам кўп шoirлар Твиттерни яхши кўрадилар. Негаки, бу ижтимоий тармоқда белгилар орқали бутун бир комедия берган завқни бера олишингиз мумкин.

Суҳбатни Наврўза ЖАСУРОВА
ёзиб олди

МУНОСАБАТ



Ашуралӣ Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Адабиётимиз ва санъатимиз тарихи саҳифаларида зарҳал харфлар билан ёзилган тарихий қарорларнинг пайдо бўлаётгани ҳаммамизни хурсанд қилаётди. Шу йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев унча муборак қарорга имзо чекиди. Улуғ шоир – “Ўзбекистон Қоҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”, улуғ санъаткор – “Ўзбекистон Халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ва улуғ адиб – “Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳаммамизни беҳад хурсанд қилди. Адабиёт, маънавият, санъат ва маърифат оламида бебаҳо ҳодиса бўлди.

Абдулла Орипов, Ботир Зокиров, Ўткир Ҳошимовнинг кутлуғ номлари аллақачон халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олгани ҳақиқат. Уларнинг асарлари, ижро этган қўшиқлари пайдо бўлганидаёқ маънавий дурдоналарга айлангани бор гап.

Абдулла Орипов ўзининг юксак ижоди билан шеърятимизда фарқулодда инқилоб яратган буюқ шоирлардан бири. Ботир Зокиров бетакор қўшиқлари билан ўзбек миллий эстрада санъати асосчисига айланган. Ўткир Ҳошимовнинг маҳорат билан ёзилган асарлари миллий прозамизга янги нафас олиб кирганлиги билан ажралиб туради ва ҳали-ҳануз унинг бебаҳо китоблари қўлма-қўл ўқилаётди.

Йиллик тўйини “Киночилар уйи”да ўтказишни режалаштирган эди. Ҳам чизган картиналари, ҳам қўшиқларини бир жойда тақдим қилмоқчи эди. Афсуски, умри қисқа экан, 49 ёшида қаза қилди. 50 йиллиги нишонланмади. 60 йиллиги ҳам, 70 йиллиги ҳам бизга мутлақ номаълум сабабларга қўра ўтказилмади. 80 йиллиги арафасида яна бизга умуман қоронғу бўлган айрим сабабларга асосан Зокировлар сулоласи “қора рўйхат”га киритилган эди. Шу

бу қарорни катта қувонч билан кутиб олди. Мен бу қувонч ва миннатдорлик кўз ёшларини Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Гаваҳ Зокирова билан баҳам кўрди. Ботир Зокиров ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган “Юрак бўронлари” китобининг муаллифи сифатида каминга бўлаётган қувонч кўнгируқлари ҳали-ҳануз давом этаётди. Абдулла Орипов умрибоқий шеърлари, Ўткир Ҳошимов ўлмас асарлари, Ботир Зокиров

юрнганлари, у ётган меҳмонхонани тўлдириб юборганлари ҳар қандай ўзбекини ҳис-ҳажжонга солиши табиий. Қарор туфайли Абдулла Орипов, Ботир Зокиров ва Ўткир Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижодини яна бир бор теран таҳлил қиламиш, қайта ўрганишимиз, баҳраманд бўлашимиз. Уларнинг номлари кўчаларга қўйлаётгани, асарлари қайта чоп этилаётгани, ҳар учовлари ҳақида “Замондошлари хотираси”да номли китоблар-

УЧ МУБОРАК ВА ТАРИХИЙ ҚАРОР



Адабиёт ва санъатимизнинг бу уч буюқ сиймоси халқимизнинг баҳоси йўқ маънавий бойлиги ҳисобланади. Гарчи учала машҳур ижодкорлар бир даврда ижод қилган бўлсалар-да, уларнинг тақдирлари ҳар хил кечган. Камина Абдулла Орипов ва Ўткир Ҳошимовнинг 50, 60, 70 йиллик тўйларида қатнашганман. Лекин Ботир Зокировнинг бирор бир таваллуд санаси ўз Ватанида нишонланмаган. У киши ўзининг 50

жиҳатдан олиб қараганда Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини ўтказиш ҳақидаги қарор ҳақиқатини тикланишдир. Бу жасоратли қарор туфайли муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан бениҳоя миннатдоримиз. Бу қарорни тарихий, деб аташак, тўғри бўлади. Минглаб, миллионлаб Ботир Зокиров санъати мухлисларини беҳад хурсанд қилди. Барча санъат аҳли қаторида санъатсевар халқимиз

бетакор қўшиқлари билан ўзбек халқига аллақачон ҳашаматли ҳайкал қўйганлар. Ўзбекда улуғ миллатни дунёга тараннум этганлар, танитганлар, масалан, Ботир Зокиров Париждаги дунёда ягона “Олимп” эстрада театри саҳнасини икки марта забт этган ягона санъаткор экани гуруримизга гурур, фахримизга фахр қўшади. Француз санъат ишқибозлари ундан дастхат олиш учун кўчаларда, изма-из

нинг чоп этилиши, ҳужжатли фильмлар яратилиши ва бошқа кўплаб тадбирлар ташкилий кўмита зиммасига юклатилган. Айниқса, янги ренессанс остонасида турган ёшларимиз учун улар қолдирган улкан меросларини ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш эртага янги-янги истеъдодларни етишиб чиқишларига пухта замин яратади. Бундай ҳамоҳанг, заманмуноҳияти теран, бир-бирига уйғун тарихий қарорлар ҳаммиша ҳам тўғри келавермайди. Халқимизда “От ўрнини той босар”, деган машҳур ҳикмат бор. Шундай экан, ёшлар орасидан Абдулла Орипов, Ботир Зокиров, Ўткир Ҳошимов издошлари етишиб чиқишига ишонамиз. Тингланг: ўқтам ва мағрур овозда Абдулла Орипов жўшиб шеър ўқийди: “Мен нечун севаман, Ўзбекистонни?” “Мен шоирман, истасангиз шу...” “Мангу ёруғ масканим маним, Ўзбекистон, Ватаним маним...” “Балки сарсон аросатда Қолиб кетмас бу таним. Камолитини кўрар Балким, Юртим – она Ватаним...” Ҳақўй Ўткир Ҳошимов ҳамон “Баҳор қайтмайди”, деб “Дунёнинг ишлари” билан банд. Икки кўзи “Икки эшик ораси”да... Ботир Зокиров саҳналарини титратиб, юракларни ёндириб “Ратьно”ни излайди, “Қайдасан азизим, қора кўзлим”, деб нола қилади, дард билан бўзлайди...

Саттор афғон ўлди, маҳалла раиси кутулди. Лекин ўзини сабабчи билиб ичи ёришмади, эзилди. Худди биров унга, сен айбдор, деяётгандай... Майит чиққан ховлига учинчи кун эрталаб яна борди. Ланг очик, лоғори-қийшиқ, отам замонидан қолган ёғоч дарвозага айтулик-дегулиги йўқ, лиқилдоқ-сиқилдоқ эски курсилар тақаб қўйилган. Келган-кетган шуларга омонатгина чўкиб, марҳумнинг ҳаққига дуо қилади.



Кўчкор НОРҚОБИЛ

Раис эшик олдида тик туришни афзал билди, хушомадига Қудрат самоварчи югургилаб олиб келган бошқаларидан беҳорқурсига ижирганиб қаради: – Керакмас. Олиб бор, жойига қўй... Раис эзинди, жигаридан айрилган мотамсаро қиёфасига киришга уринди. Ичидан бир оташ уради юзига, ҳа, юзи қизаради, ўзида одамийлик тамомила ўлиб кетганини ҳис қилади. Кўнглида жижиллик тугун боғлайди. Камига Қудрат самоварчи темир чойнакда чой дамлаб, ўзи томон қадамлайди, раис кўзини олиб қочади: “Довдир. Каттапарастлик калтафаҳм қип қўяди-да, одамни...” – Раис бова, чой ичинг... – дарбозанинг бир қанотиға тиркалган қўйна стол устида тўнкарилган пиёла Қудратнинг қўлида пайдо бўлиб қолади, – чой, раис бова, чой... – Мен чой ичмайман, нега менинг олдимга келиб кино қўйясан, сен бола? – ўкрайди “падхалим”га, – ўралашма бунча...

Раис рўпарасида бел боғлаб мотамқад турган кимсалар – марҳумнинг хеш-ақрабосига бир кўз қадаб, саф бошида гўдайдан Тўра мижғова синчов назар солади. Мижғовнинг тунд ангоридан ҳеч нарсани англамади: “Демак, беҳабар. Саттор афғонни хонамдан ҳайдаб чиқарганим, кетар жафосига афғон ҳам соғ қўли билан қулоқ-чакамга қарсиллатиб қўйиб юборганидан беҳабар. Айтмаган, ҳеч кимга айтмаган, афғон раҳматли... Йўқса, одамларнинг оғзида эрмак, қўлида элак бўлардим. Ҳамма жим-ку...” Шу тоба марҳумга ён қўшни Тўра мижғов ҳам маҳалла раисининг нигоҳига ҳавотиру ҳадиқ билан кўз қирини ташлади. Ҳеч бир маъно ўқмади: “Айтмаган. Раис беҳабар. Улармидим,

ўғилларимга айтиб шу тол ўлгурнинг қуриган шохлари тугул, таг-туғи билан кестириб ташласам...” Саттор урушдан ногирон бўлиб қайтди. Сўл қўли йўқ. Кейинчалик унғ қўли ҳам калталик қилиб қолди – турмушнинг тутуми-ю, рўзгорнинг ютуми аяб ўтирмади, оёқ-қўли бут, тўрт мучаси соғларни сарғайтирган бу ҳаёт тупканининг туби, тоғ тагидаги бир майда қишлоқдаги ногирон кимсага ҳам шафқат қилмади. Даромадли иш отлига топилмади-ю, Саттор афғонга йўл бўлсин. Нафақасини нафсига бойлаб бир кунини кўраверди шўрлик. Ногиронга ноз қилувчилар кўп бўлди. Кеч уйланди. Қишлоқнинг четидеги чўнтакқўчаннинг охиридан ер олиб, уй қурди. Қўлдан берганга қўш тўймас – ака-укалари ҳам ортганини илдинди, лекин йўққа ямоқ не даркор, деганларидай, ўзингда бўлмаса қийин-да, хайрият, бир парча бўлса ҳам ери бор, хотини кўксига тиргак бўлади – томорқадан толгани боис қозонига қора қуя ўрлайди. Айтдик-ку, Сатторнинг ховлиси қишлоқ четига уланган чўнтакқўчаннинг охирида. Тамом, нарёғи берк – зовлик. Аҳли қишлоқ бу жойни “жин кўча” деб айтади. Дунёбеҳабар бу шўрлик кўча пайдо бўлганига ўттиз йилдан ошди, лекин икки ховуч тош, бир арава шағал бо-силмаган. Асфальт ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига, Сатторнинг қўни-қўшилари ҳам ўзидан қолишмайди, қўли юпқа, чўнтагида шамол ўйнайдиган кимсалар. Убир-дўққи, аравининг авра-астарини тўкадиган жинкучага тош ётқизиб эпакчага келтириш гам-ташвишига тушган Саттор йўқ қўлнинг энгини ҳилвиратиб, ғайрат-шижоат билан ҳокимиятга йўл олди. Рўпарасидаги қўшини Тўра мижғов далда берди: “Қўшни, сиз афғонсиз. Жангчисиз. Бунинг устига, ярадор бўлиб, қўлдан айрилгансиз. Ҳокимияти сизга қулоқ солмай, менга қулоқ солсинми?”

Биринчи гал каттаконларни тополмади. Яна борди. Ҳокимиятдаги масъул раҳбар, хал қиламиш, фақат кейинги йиллар режасига қиради, деб хонасининг остонасигача кузатиб келди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди. Кейин бундан ҳам каттароқ амалдорга учради. У ҳам “қўриб чиқамиз”дан нарига ўтмади, кўчанинг режага кириши керак, деди. – Қачон режага қиради?... – Кейинги йиллар. – Ахир, мен бир ойдан кейин тўй қиламан. Қўшимни турмушга чиқаряпман. Қуда-андалар олдида ноқулай-да, – асаби чатнади афғоннинг. Мансабдор унга ажабсиниб қаради: – Сиз бораверинг. Мен маҳаллангиз раисига айтиб қўяман. Бирор тадбиркор-мадбиркор топилар, йўлини қиламиш. Бу гал Саттор афғоннинг ўзи амалдор эртасини қарсиллатиб ёпди. Эртасига маҳалла раиси билан “сен-мен”га борди. – Қаерда эшитгансан, маҳалла шағал тўшаб, асфальт ётқизиш билан шуғулланганими? – ижиклади раис. Саттор афғон умрида бунча музтар бўлмаганди. Шундай ғаввога бош суққа-

ни учун ўзини ич-ичидан лаънатлади, умрида бировнинг олдида бунчалик мулзам бўлмаганди, худди тиланчига ўхшашган, деб ўйлади. Бироқ бир ойдан кейин қизининг тўйи, Худонинг ёдидан кўтарилган бу кўчага осмондан икки томчи ёғин тушса, юз ботмон лой бўлишини хаёлига келтирди. Ёғингарчиликсиз ҳам ўйдим-чуқур бундай кўчага кўнмишган одамларнинг ўлкаси тўкилади, бизлар-ку ўрганиб кетганимиз, деб ўйлади. – Иложи йўқми? – ижирғанди. – Иложи йўқ. Айтдим-ку, бу менинг вази-фамга к и р м айди деб, – хўмрайди раис. – Давлат ичидеги давлатмиз, маҳалла ундай, маҳалла бун-

дай, деб чиранасанлар-ку, – деди афғон ҳам боши қизиб, – қўлингдан ҳеч иш келмасканда-а?! Карриллайсанлар фақат! – Тушунмас экансан-а? Афғон бўлсангиз ўзингга. Нега менга кўзининг қақчайтирасан? Чикъ хонамдан, чикъ Бор, каярга борсанг, боравер! Уша ёқдан ўлмай келибсан, шунга шўрқ қилиб юравер! Раиснинг охири гапи жон-жонидан ўтиб кетди. Асаби ўйнаб, қони қайнади. Соғ қўли билан раиснинг қулоқ-чаққасига тарсиллатиб тарақси тортиди. Идорадан дарди дунёсига ўт кетиб қайтди. Мана шу, эскининг эсини кеткизар шалоғи шумшук ёғоч дарбозани телиб очаркан: “Қаматсанг, қаматавер, қўлингдан келганини қил!” – дея ёғи-рарди. Шу тоба дарҳиссида қўшини Тўра мижғов кўриниш берди: – Ҳа, ҳамсоя, бўримиз тулки? Ухшамадимми ишлар? Саттор афғон унга ҳам ижирғаниб қараб қўйди-да, шаҳд билан ховлига кирди. Ичкандан болта кўтариб чиқди. Томошталар қўшни Тўра мижғовнинг жонида жон қолмади, орта тисланди: –Э-й-е-е... – Ҳамсоя, менга қаранг, манави қариб-чириб қиримга тол эпкин эсса, ерга шох ташляпти. Шунинг катта шохларини кесиб ташланлар, кеча сўлоқмондай бўлиб бири ағнади. Томини босиб қолди. Мана болта, уч ўғли бор уйнинг ҳам толи қуриб ётадимми? Тўра мижғов эшитмаганга олиб ўзини ховлига урди. Афғон бир қўлида болта бироз серрайиб турди, сўнгишига тортилган қайишига болтани кистирди-да, бир қўли билан толга тирмашди. Жон аччиғида чирмашиб,

танада бўртган новдага ўтирди. Ҳансиради. Кўз олди хиралашди, сўнғ юрагида ормик туйди-да, вазнесиз бир ҳолатда ерга қулади... Тез ёрдам машинаси шифохонага олиб кетди. У ерда бир кун шифтга термилиб ётди. Бошида жонсарак ўтирган хотинига армон билан шундай деди: – Бизнинг ҳам ўғлимиз бўлганда эди... Кейин алаҳсиб кўп нарса-



КИНОНИНГ ЎЗГИНАСИ

ларни гапирди. Кўча... тол... тўй. Хотини Сора ҳеч нарса тушунмади. Саттор афғон тонг-сахарда омонатини топишди. ...Хуллас, таъзиянинг учинчи куни ҳам элқўрсинга келган маҳалла раиси қаршисига серрайиб турган Тўра мижғова бир қур назар ташлаб, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, чўнтагидаги қўлтелефонни жиринглади. Телефонга қўлак осган раиснинг туйқус ранги оқариб, тутилиб, гапини йўқотиб гандирақлаб қолди. – А-а-а, хўп. Мен шу ердаман. Бу ердами, ҳалиги Саттор афғонни сўра-апсинми? Уни у ёққа олиб боролмайман. У...У... У ўлиб қолди. Таъзиядаман. Атрофдагилар қулғини динг қилишди. Тўра мижғов раиснинг ёнига келиб томоқ кирди: – Тинчлики, раис? – Тинчлик. Ҳоким, ҳокимимиз сўради. Қизик... – шивирлади раис. – Кимни сўради? Сўраса сўрабди-да. – Саттор афғонни сўради. Нима иш билан шуғулланаяпти, ахволи қандай, оиласининг шароити билан қизиқди. Тўра мижғов алпанг-жалпанг бўлиб, раисга ҳайратланиб боқди: – И-е-е, ҳоким сўрадимми? Сиз нима дедингиз? – Эшитмадингизми? Ўлган, дедим-ку, – мингирлади раис, – энди ўзи келаяптикин. Мен бу худобеҳабар кўчадан тезроқ катта йўлга чиқиб турай, балки ахволини тушунтириб ўша ёқдан қайтарворарман. Раис катта йўл томон лўкиллаб кетди. Пешинга бориб Тоғтаги қишлоғида “алақуюн-оқтойлоқ”, тўс-тўполон бошланди. Қишлоқнинг бирдан-бир марказ кўчасидан тош-шағал, тупроқ,

асфальт ортган турли-туман баҳайбат уловлар ўтга бошлади. Олдида зил-замбил каттакон катоги бор асфальт ётқизгичдан тортиб, текислаш учун сургичи, қазмишга мос чўмичи бор техникалар пайдо бўлди. Борлиқ гувиллаган овоз ва тутин ичиде қолди. Бирпасла заммин пайдо бўлгандан бери сон-сафога кирмаган, қишлоқнинг қаршига йўлиққан уша “ўлик” кўчасида тиркамали тракторлар йўлни суриб текислашга киришиб кетди. Тош-шағал, асфальт ва яна алламбало юкланган баҳайбат уловлар ўз юкларини тўкиб, гизиллаб изига қайтишар, улар худди асаларилар каби бири қўйиб, бири қатнарди. Айниқса, Саттор афғоннинг уйидаги томошани кўрсангиз, бир автотубс махсус кийимли ишчилар келишиб, уловдан тушишлари ҳамоно афғоннинг уйига “хужум” бошлашди.

Энг аввало, хароби чиққан ёғоч эшик олиб ташланди. Бир неча тошни кеса қийшайиб турган уша қуриган толни кесишга киришишди, гувиллаган мотооарра кекса, баҳайбат толининг шохларини бир зумда гизиллаб узиб ола бошлади. Ишчиларнинг ярми девор оқлашга киришди. Йўлакка шағал ётқизган ким, брусчатка тортган ким, рангин тошчалар тўшаб, тувакуллар жойлаган ким... Хуллас, бир зумда уй деворлари оқланди, ромлар бўляди. Остонага қўшанотли темир дарвоза ўрнатилиб, оч-яшил ранг урилди. Бир зумда Худо раҳмат қилгур афғоннинг уйи таниб бўлмас даражага келди. Ҳовлига ям-яшил чим ётқизилиб, “жони қаттиқ” қимматбаҳо ажнабий гул қўчатлари томоқ кирди: – Эрталаб, ё қудратингдан, уша икки қақиримга етар-етмас чўнтакқўча, жинкуча, қарғишқўча дейсизми, нима десангиз денг, тасмадай сип-силлиқ, равон асфальт йўлга айланганид. Кўча четидеги бошқа уйларнинг ҳам деворларига оҳақ суркалаиб, қуримли холга келтирилибди. Айниқса, айниқса... Саттор афғоннинг баланд, ланг очик оч-яшил тусли қўшанотли улкан дарвозаси ортида кўзга ташланган кўм-кўк чимзору гулу гулзор ховлисига кираверишда салобатли ва пўрим, нотаниш кимсалар саф тортиб туришарди. Кечаси билан киприк қоқмаган маҳалла раиси уйқузилқандан гарангсиб турган Тўра мижғова шивирлаб қўйди: – Ана, ҳокимимизнинг узлариям кели-ли турибдилар. Саф бошида. Вилоятнинг каттасиям келаркан. – Бу дейман, Худо раҳматли Сатторжон ҳеч нарсани билдирмай юра-

қанда-а? – деди Тўра мижғов ич-ичидан ҳасрат ўти гирилган. – Юртимиздаги энг катта раҳбарларнинг бири билан афғонда бирга қаман қилган экан. Уша раҳбар вилоят марказига келгач, Олтинтепада менинг қуролдош жангчи ошман бор, ўша ерга бориб, уни ҳам бир қўриб қўйсақ, дебди. Афсус, у кишига Сатторжон билан дийдор қўришиш насиб қилмади, – маҳалла раиси оғир ўтилиб кўз ёшларини артган бўлди. Сўнғ ер остидан ҳокимга назар солди, у киши ҳам саф бошида гамгин бош эгиб турибди. Ёнида ҳалиги тунов қуллари бечора Саттор афғонни кўчан таъмири режага кирмаган, деб қайтариб юборган икки мулозим ҳам қад тутган. Йиғилганлар Сатторжон (энди)нинг яқин дўсти – энг катта раҳбарлардан бирини қутшимокда эди... Қудрат самоварчи бир чойнак чой ва тўртта пахтагулли яп-янги пиёлани яп-янги юмшоқ курсилар ёнида ялтिलाб турган яп-янги стол устига қўяркан, ҳокимга тавозе этди ва маҳалла раисига илжайиб, хушомадўйлик қилди: – Азизларимиз келаркан, балки нону туз билан қарши олиш керакмикан? Ирими шундай, шекилли? Раиснинг жон-пони чиқиб кетди. Ўқрайиб қаради. Унғ қўли бармоқларини бир нуктага мушукланжа қилиб, худди хар йили Тўхта чолининг молхонаси олдида ўз-ўзидан ўсиб қолаверадиган кўкнорнинг тумшугидай тугиб сўз қотди: – Мундайгина қилиб, қиси-и-иб ўтир, эси паст... Яна кинони бошладингиз-а? Бу машамдани хўжайин эшитмадимкин, деб саф бошига кўз югуртирганди, қўлтелефонда ким биландир гаплашаётган ҳоким юзини буриштирди-да, маҳалла раисига ижирғаниб қаради, “бу ёққа кел” маъносига қўли билан ишора қилди. Раис авзойи аёзини қўриқтар даражага келган ҳокимнинг ёнига пилдираб бориб, дами ичига тушиб кетди. – Э-е-ей, тентаккалла, миянга курт тушганми? Каттаконнинг афғон ошанси бошқа Саттор экан-ку. Сувишсой хўжалигидаги мактаб директори Саттор Тўраев у киши билан афғонда бирга бўлган экан... Кечқурун ўша ёққа бориладиган бўлибди. Раис анграйиб қолди, ичидан нимадир чирт узилгандай бўлди. Қулғони динг қўшни Тўра мижғов қаҳрли, бироқ қувонч туйғулари ифодаланган табассум билан илжайди. Ҳоким... ҳоким эса қўлтелефони орқали кимдир захрини сочди. – Сувишсойдаги, анави директорнинг уйини топинглар. Нима? Қўча-пўчасини эпакчага келтиринглар... Бирпасда таъзияли хонадон атрофида ҳеч ким қолмади. Ҳамма гумдон бўлди. Йўқ, биргина Қудрат самоворчи яп-янги курсига чўккан қўйи, сип-силлиқ асфальт йўлга қараб, жилмайиб турарди. Ҳаёлида маҳалла раисининг заҳар-зақум афт – ангори жонланди. – Мана, сенга кини! Сенга кини керакмиди? Кинонинг зўри шу! – дея шивирлади ва ичкарига, ҳовлидагиларга эшиттирмай ич-ичидан, ўзини тўхта-толмай, чайқалиб кула бошлади. 2011 йил

У барглар остида

ИЛК БЎСА

Мен исмини унутган қизга Мен сени ўпгандим, (эски дўстимнинг шинам уйда) Бу бизнинг биринчи бўсамиз эди.

Сезардим жисмининг замин мисол нафис тебранишини...

Қайта учрашмоқлик этмади насиб ва лекин ҳар дафъа сени эсласам, ҳис қилгум жисмининг замин мисол тебранишини.

ЭХТИРОС

У барглар остидаги Шафақ шуласи янглиг жилвакор,

У сўнги оҳангдир Вагнерия ноталари сафиди.

У девор ортига беркинган Ясмин япроқлари мисоли.

У африка соҳилларида Ёввойи палмалар каби тозадир.

Болаларнинг кўзига чўқар жимирлаб юборар этин, улар мени бадар тарк этган асрлардан бери.

ҚИШНИНГ ИЛИҚ ТОНГИ

Мен таббасум сақлагайман Сенга азизам, Бу кўзлар нечун яратилган Сени кўрмоқ этмасан насиб, Ва ҳар сонияда исмингни айтгум Сукунатни кўрсатмоқ истаб, Бу кафтим эса Сенинг борлигингни англамоқ учун.

Мен ханжар сақлагайман

Ўстигимнинг остида, Сўзлагин, нетарман, Қутулмоқлик учун сенинг қонинг ва хотиралардан, Олдинроқ Эшик кўнгириги жиринглашидан

ФЕНГДУ ТОҒЛАРИДА

Фенгду тоғларидан Бу осма кўприклардан Жондан тўйганлар ўтар,



Сарлос Эрнесто ГАРСИА (Санга Текла, Салвадор, 1960)

Шоир, ёзувчи, продюсер ва матбуот муҳбири. "Ғазаб қолдиқлари" (1994), "Висолсиз ишқ" (1996) ва "Унутилган туйғулар" (2009) номли шеърый китоблари чоп этилган. "XX аср Сальвадор шеърйати", "Аждарҳо орзулари" каби асарлари бир қанча халқаро тўлампаларга киритилган. У ўз ижодини театр, мусика, замонавий рақс ва ҳайкал-тарошликка йўналтирган. Шеърлари инглиз, албан, голланд, хитой, француз, италян ва араб тилларида таржима қилинган.

Эшитасиз, Чангжианг Дарёсинг қўшигин, Унинг шарқироқ сувлари Ёввойи отлардай юғурар.

Кампир чой узатар Ёғоч пиёлада, Бу менга охират кунин эслатар.

ВАТАН

Олисда бепоён ватан сарҳади, Гарчи хилпирамас унинг байроги, У ҳақда йўлдан кезларини Мени ҳис чулғар.

Ичи бўш идиш мисоли у юртинг қайси бир ҳўжраси ичра юрак бор урётган, зарбаси огир.

Мен ҳар кун дераза томон қарайман, у эса денгизга боқди мамнун.

Олисда бепоён ватан сарҳади, сукунат мисоли улкан.

ЖАНГЧИ ҚЎШИГИ

Жанг тингач, ярадор аскар қиличин санчади саҳро барханлариға ва ўйлар муносиб жой излар ўлмоқлик учун.

Зулмат чўқар бефарқ заминға Сўрмайди ҳеч ким жангчини, У танлаган жой ҳам Қизиқтирмас бошқа бировни.

Ва бунда қум бўронлари жим, Зиммасига олар уни кўммоқни. Гарчи уни энди ҳеч ким эсласам, Лек эрта уйғонар гиёҳ шаклида.

КЕМА

Довул ғазабларан, кўтарар шовқин, Кемалар тўқнасар, Фарқ бўлар сувға.

Қолмади ёзмоққа бошқа қозғим, Кетарман қўлимни силтаб барига, Уйғонарман лойға қоришган қуйи.

Жанг тинган, соҳилда суқун ҳўкмрон.

СЕХРИ ФЛОРЕНЦИЯ

Ўзига чорлагай қадим Дуомо Алвон гумбазлари, бор сеҳри ила, Абдий ёмғирлар элтиб ташлагай Эски кўприкка, Бу ерда аёллар Ўзларин тутарлар Беатричадай.

Кезарман кўчалар, хиёбонларни, тассавур қиламан савдогарлар ва урушга кетётган ёш аскарларни.

Раффаелло ва Брунеллесчи йўлларида Ул гуллаб яшнаган Уйғониш даври, Дунёнинг бор буди унда жо эди.

Айтинг, не берсам арзигаи Бир бор ҳўпламоқлик учун Синлур медини қадахларидан.

ИСПАН ТИЛИДАН СОБИРЖОН СОДИҚОВ ТАРЖИМАЛАРИ

Марк Твендан ёзувчи Брет Хартга йўлланган мактуб

Вестминистер меҳмонхонаси, 1867 йил, 1 май Азизим Брет, сизни аҳолини яхши эканидан бохабар этиш учун қўлимга қадрдон қаламимни олдим, ҳа, мен ростдан ҳам яхшиман ва умид қиламанки, шу икки-уч сатр йўлланмам ҳам сизга савомот қадар чексиз қувонч бағишлагай.

Китобим ёруғ дунё юзини кўрибди, бинийодаи кўринишдаги бир тўплам бўлибди. Аммо сарфу наҳв жиҳатидан кўз юмиб бўлмайди хато-ларга фикр тўла экан, ҳатто айрим жойлари бизнинг ақидаларимизга мос тушавермайди ҳам, бунга ўзим ҳам қисман айбдорман, сабаби, мен узоқда, саёҳатда эдим ўша вақт, шу важдан тақризларга ҳатто кўз ташлолмадим. Бироқ шунга қарамай, сиз барибир мард дўстинг ишини қилибсиз, бу камчиликларим хусусида лом-ним ҳам демабсиз. Шошилинч сафарларим хотима топган захоти сизга болалар билан тушган суратларимни юбораман.

Дарвоқе, келаятган ҳафта душанба оқшомида Купер институтида маъруза ўқимочкиман. Мени дуо қилиб турсангиз.

8 июнь кунни эса Муқаддас Заминга қараб сузиб кетамиз. Илтимос, менга ёзишга ҳаракат қилинг (худди шу меҳмонхонага деб ёзаверинг), сизнинг хатингизни бу ердангилар Парижга жўнайтиб юборадилар, у ерда биз тахминан ўн-ўн беш кун турган, ана Ватанга қайтамиз.

Брет хоним билан бутун оилангизга менинг энг соғинчли саломим ва тилақларимни етказиб қўйсангиз.

Содиқ дўстингиз

Марк.

Марк Твендан синглизис Моффет хонимга ёзилган мактуб

Нью-Йорк, 1853 йил, октябр

Сингилганим, бироз муддатга оила аъзоларимнинг ҳеч бирига хат ёзолмадим, бунга сабаб, биринчидан, уларнинг қаерда эканларидан воқиф эмасдим, иккинчидан, сўнги ўтган икки ҳафта мобайнида тентаклардек ўзимни ўзим, Нью-Йоркдан, охир-оқибат, бош олиб кетаман, деган ҳаёл билан алдаб яшадим. Энг ёқимсиз, одамнинг кўнгли тортмайдиган жойларга ҳам кетиш истагим бор, ҳамма вақт қушдек учиб кетишга шай эдим, бироқ бир-икки кунга, маълум ва номаълум сабабларга қўра, кетиш ниятимни орта суришга мажбур бўлдим. Янаям аниқроғи, Нью-Йоркдан кетишни виждоним қабул қилолмаётгани эди, ундан қўра, Ганибалдан кетиш мен учун осонроқ. Ҳеч нарсага қарамасдан, барибир сешанба кунни бош олиб кетаман, деб ўйлаялман.

Эдуин Форрест охириги ўн олти кун мобайнида Бродвей театрида роль ижро этди, аммо мен ўтган кечга қадар уни кўролмадим. Пьесанинг номи "Гладиатор" эди. Тўртинчи айтсам, томошанинг кўп жойлари менга унчалик ҳам ёқмади, лекин бошқа жойларини қўйилмамоқ чиққанини тан олмай илжомим йўқ. Охириги пардининг энг сўнги ижросида, яъни Гладиатор (Форрест)нинг акасининг пойида жон берар чоғига доғур бу томошани кўраётган ҳар қандай одамнинг бутун юраги шу қаҳрамоннинг ижросига фарқ бўлиб кетади, уни томоша қилиб ўтириш чиндан-да қўрқинчи, деган фикр ярқ этиб хаёлимдан кечди. Форрестнинг "Иблис ва Пизиз"даги ролини кўролмаганим учун таассуфдаман, чунки бундаги ижроси "Гладиатор"идан қўра кўпроқ таҳсинга лойиқ дейишарди. Форрест душанба кунни кечаси охириги марта Филадельфияда кўриниш берибди.

Охириги пайтларда уйдан деярли ҳеч қандай хат-хабар олмадим ҳисоб, аммо бир кунни "Журнал" қўлимга келиб тушганида, билдимки, идорамиз сотилиб кетди. Ўшанда ақлимга келгани шу бўлдики, демек, онам, Орион ва Генри ҳозир Авлиё Льюисда муваққат яшаб туришибди. Башарти, Орионнинг қўлида бошқа лойиҳаси бўлмаганида эди, у ҳафталик газета чиқариш учун қандайдир битимни, албатта, қўлга киритган бўларди, ваҳоланки, унинг тасарруфида энди моҳир усталару ходимлар ҳам қолмаган бўлса керак. Энди эса, "Пресбистеран" сингари газета (тахминан 60,000 та обунага эга бўлган нашр) учун унда ҳафтасига 20 ёки 25 доллар олиш эҳтимоли мавжуд, Генри бўлса ишини осонгина удалла олиди, ҳеч нарсага муқим ўрнатолмас ҳам, шакл-шамойилини ўхшата олиши турган га...

Муштипаргина синглим менинг, борди-ю, менинг хатларим сенга тез-тез етиб бормаса, ўзингни сираям қойитма, тасаввур қилгин-а, энг савдоий ёш – ўн саккизи тараллабедод яшаб юрган боқибегам, кўчаданон бир акам бор-да, деб кўя қол, билсанг, ўша хуш-хандон акангинг ўзига бир гамхўр парвона керак, ўз уйдан қанча узоқларда юрган, ўз ташвишларидан нари бўлолмаётган бундай аканинг бошқалар учун жон кўйдирини эҳти молдан анча узоқ ҳодисадир. Сени аниқ ишонтириб айтманки, ундан сен ҳеч қачон узоқлик сўқибатни кўрмасан. Шунга қарамай, мен ҳеч нимадан тап тортайман, кумак сўраб бировларга ялинмайман ва муттасил ҳаракатдаман, ҳаракатдамани, гўё "ҳаробадан чиққан миллиардер" каби ҳозирча бир қўраялоқ бўлсам, майлига, бўла қолай, деб ўз йўлимда кетаверман.

Билсанг, умримда Нью-Йоркники каби ҳарбий кампанияларни бошқа бирон ерда учратмаганман. Кўчалар бўйлаб кезсанг, аниқ рўпарандан, албатта, ҳарбий мундирдаги бирон киши пешвоз чиқиб келади, унинг эндида ҳатто жиринг-жиринг қилаётган медалларигача бор!

1812 йилнинг энг шоввоз аскарлари юришини бир кунни баногоҳ кўриб қолдим, чамаси, етмиш олти нафарга яқин фахрий ҳарбийлар у ёқдан бу ёқда тантанавор суратда фоз юрдилар. Яна бир кун эса хиёбонларнинг бирдан ўтиб борар чоғим бир гуруҳ ёш ҳарбийларнинг байрамона чиқиларига гувоҳ бўлиб қолдим. Уларнинг ҳарбий либослари жуда озода, бош кийимлари эса турли ширинликлар билан лик тўла эди.

Ишонсанми, уларнинг кўпчилиги етти ё саккиз ёшдан ошмаганлар-у, лекин кўринишлари бирам жиддий, бирам ишбарлармон! Албанияга бу ердан йўлқира ҳақи унчалик ҳам қиммат эмас, 160 қақирим узоқликдаги у жойга атига 25 цент пулинг кетади, холос, боз устига, ёз кунинда янаям арзонроқ бўларкан. Хуллас калом, сен сингилганимни қаерга қат юборишингни билганим захоти ёзиб юбораман. Ҳозир билганимда-ку, дарров айтган бўлардим-а.

Бу ерда бир ҳафтадан зиёдроқ туриб қолсам керак, аммо анигини айтолмайман, афсуски. Мактубингда, албатта, оиламиз қаерда кун кечираётганини маълум қилгин! Соғинчли саломим ва меҳримни жаноб Моффет билан Эллага етказиб қўй! Яна жузук Эллага айтиб қўйгинки, мен унга ўзи истаса ҳам, истамаса ҳам, албатта, хат ёзиш истагидея юрибман.

Узингни жудаям эҳтиёт қил. Жонажон аканг,

Сэмюэл Клеменс.

Марк Твендан рафиқаси Клеменс хонимга ёзилган дилхат

Аллерхейлиген 1878 йил, 5 август

Азиз йўлдошим, бугун ҳаётимиздаги энг файзли кунлардан бири бўлди, аммо Баден-Бадендан узоқлашимиз билан куттиш хонасида йўл пойлашнинг ўрнига поездинг келар маҳалини кутиб, платформада анча вақт туриб қолдик, энг қизиғини айтсам, мутлақо бошқа йўналишга қараб ўтирган эканмиз. Ўша алфозимизда нақ ўн дақиқадан ортиққа ўтирибмиз, шунда бу натижа-си эшигимиздан бирдан менинг миямга ярқ этиб нотўғри жойда ўтирганимиз келиб урилди.

Поезда бизга бошлиқ этиб тайинланган Наухемдаги ҳайҳотдек мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси (жаноб Сайдинг исмли ўқитувчи эди), ўзини менга шундай деб таништирди-да, қаршимизда кунлик саёҳатларимиз харитасини чишиб кўрсатди, (яъни бугун ва эрталик кунимиз учун), яна Швейцария бўйлаб саёҳатимизни қандай давом эттиришимиз юзасидан йўл-йўриқлар берди. Дарвоқе, у билан бирга бутун бошли мактаб жамоаси ҳам эргашиб олганди, жаноб Сайдинг уларни ўн доллар эвазига бутун шаҳар бўйлаб узундан-узоқ сафарни атайлаб уюштириб берганди. Бу хайрли ишни у ўн йилда бир маротаба насиб этишини қилиб илова қилиб қўйди.

Ачендан Остерхофенга бўлган кажава аравани камида опти-етти мартабала йўл давомидея тўхтаб кетдик, бир гал "Пфлэг" қахвахонасида томоғимизни ҳўллаб олишга тўхтаган пайтимиз узоқдан ниҳоятда дилбар бир гузалга кўзим тушди. Унинг отаси ҳам, онаси ҳам, акаси ҳам

яқинлашар чоғимиз эса ҳаммамиз юрагимизни ҳовучлаб, нафасимизни ичимизга ютиб турдик, ниҳоят, бу бало йўлдан эсон-омонликда ўтиб, яна йўлимизда давом этдик. Бироқ ҳадиқларимиз бу билан адо бўлмабди, ваҳимали ўрмонга кириб борганимизда, ана энди шу ерда аниқ йўқолиб қолдик, деб ўзимизга ҳўқи ўқидик, аммо бахтимизга қаршимиздан маҳаллий бета аниқ қилдики ва у бизга тўғри йўлдан кетаётганимизни айтиб дилимизни хотиржам қилди. Сандироклаб-сандироклаб, охийри кечки соат олтида ўз манзилимизда кўриниш бердик, кечки овқатимизни еб, тор ва қўрқинчи чўқур дара томон йўл солдик, у бизни аста-секинлик билан шаршара бўйига, сўнгра қоп-қоронғу сўқмоқдан тепаликларнинг нақ чўққисидея жойлашган Иблис ғорига етаклаб олиб борди. Биз у ердан тўғри бошланамизга қайтиб келдик. Ана энди ётар пайтимда, кўзларим юмилмай-юмилмай деб турган бир аҳоли-лимда, Жо билан сенга севги ва соғинчимизни тақрор-тақрор йўллаялман, азизам!

Яна ёзаман.

Сенинг Сэмюэлинг.

Марк Твендан холаси Элзабетта В.Смит хонимга ёзилган мактуб

Сент Льюис. 1859 йил, 31 октябр

Қадрли Бетси холажоним, онам бу ҳақида сизга ёзмаган бўлса керак, чунки унинг мени яна дарёга қатнашни бошлаганимдан хабари йўқ...

Кўрабсизми, Бетси хола, сиз кетганингиз захоти мен дарёга аллақачон бир марта бўлсам бориб қайтдим, ҳозирча эса уйда муқимман. Шу бугун эрталаб шундай режадан воқиф бўлдимки, мен "Кол. Бўлмалар" номли ёруғ, равон сузувчи, йўловчи пароходида, ичидея барча қулайликлари ҳамда асбоб-ускуналарга эга бўлган сув иншоотида Янги Орлеанга сузиб борарканман, ҳатто бу пароходимизга истаганча юк ҳам ортлиги мумкин, айтмоқчиманки, Бетси холажоним, балки сиз шу кунларда биз томонларга келишни ният қилиб юрган бўлсангиз, яхшиши, "Бен Льюис"ни танлаганингиз маъқул, чунки "Бен Льюис" дунёдаги энг яхши кемалардан биридир. У бу ерга шанба кунни кундузи (аниқроғи, индинга) нонушта вақтида кириб келади. Агар ўша кунни кемада бош ўқиб, базму жамшид қилмоқда эдилар.

Уларнинг ичидея қандайдир австралиялик ҳам ўтирарди, (афтидан, у Штутгарт ё шунга яқин бир жойдан эди), хуллас, Жо унга менинг кимлигимни шипшитиб қўйган чоғи, ийигитча бир зумда бизнинг жамоага келиб қўшилди, энди Хейдлбергда адашди қолишдан қўрқмасак ҳам бўлади. Саёҳатчи аравамизда бир ёни чўқур ва тор дарага туташган илмонёқ сўқмоққа этиб келгунимизча шод хуррамлик билан келавердик. Дарага хизматчи жаноб Ҳамилтон бўлса, янаям сөз иш бўларди. Мен уни қисман танийман. Борди-ю, у эмас, Картер Грейми ёки Дин (нимадир эди фамилияси) ўша кунни бошлиқ бўлса, унда нур устига нур бўларди, сабаби, камина ҳар иккиси билан ҳам қил ўтмас қадрдонларман. Фақат сиз жаноб Грейга менинг қадрдон холам эканингизни айтиб қўйингки, у сизга худди олийнасаб хонимларга қилгандек муносабатда бўлиб келсин.

Бизникиларни сўрасангиз, мендан бўлак ҳаммалари яхши, лекин мен одатдагидек, яна денгиз касалини ошириб қайтганман, меҳрибоним, кўрсангиз, у бало терим устида гўё шишага ўшаб бўртиб-бўртиб чиққан. Шунга қарамай, кайфиятим аъло, тез орада бу дарддан фориг бўлишимга астойдил умид қиламан. Нонушта вақтимизда эса энг ажайиб қоядан ўрнатиб олганман – ўзимни ҳамон "армия каби қўрқинчи куч"га менгзайман.



ДУНЁНИНГ ҚАЙСИДИР БИР БУРЧАГИДА

Тонг саҳардан кўк, қизил ва тун сиёҳидай, турфа рангда учар капалаклар – кўз олдимда яратиб дунё. Баззан узоқлашиб кетади улар, баззан дарахтлардан тўкила бошлар, юлдуз-олмалар. Шунда ҳам ортига қайтмайди гўё, Менга қувонч берган турфа капалаклар. Ҳозир эса ташқарида шом, бўрон тура бошлади бирдан. Олпоқ олма гуллари шошиб, Очилару тўкила бошлар сочларимга олпоқ ёмғирдай...

Мен ҳам энди вақтдан ташқари чиққум дарахтлардай қайқалиб...

Қаршимда бўш қозғ, бўм-бўш дунёда бари ноодатий туюлар бирдан. Ёнимдан сирғалиб ўтади илон, хабарлар келтирар билмадим кимдан. Балки жоним керак, балки оқ қозғога недир тўқмоқ учун қоним керакдир?.. Тинглаб ўтираман шаҳар ташқарисидан, трамвай келмоқда илон из бўйлаб. Балки уфқларга урилади у, Олпоқ булутларни қизилга бўяб. Бир шеър туғилади шунда оламан, шафақранг сўзларни қозғога тўкиб.

Ўтинчим, бу шеърни мендан кейин ҳам, овозингиз борича ўқинг...

ҚАЙҒУ

Кўприклар йўлларни, денгизларни, бир-бирига яқин қилар тобора, ўсиб бораверар улар кунма кун йилма йил йўллар ҳам негадир узоқлаб борар. Аммо мустаҳкаммас аслида улар, кўприқдан ўтган ҳар кўнгил узилар. Эртами ё индин бўронлар турса, жамийки кўприклар бирдан бузилар... Биз эса борамиз бепарво, дарё устидаги кўприклар узра. Не кунки, қарамай ўтагим ҳамон сувнинг юзидаги аксимиз томон.

КУРАШ

Қандай оқлаш мумкин йўқилган одамни. Қулдан тутасизми, ё елкасидан? ё ёқасидан... Рақс тушган туфлилар бир четда қолса, Агар лўли бола олиб қочса юлиб, Агар бу ҳам кураш дейлиги, сиз ҳам Фақат бир чеккада қузатинг уни.

Кеча яқинлашар, туғилар қўрқув, қаноат туғилар, исён туғилар, одамларни эса яширар уйку.

Дунёнинг қайсидир бир бурчагида, ёлғизликда кимдир ўлимни ўйлар. бир лаҳза борлиқнинг ҳар бир зарраси айлана бошлади энг маҳзун куйга.. Бу кеча ким билан хайрлашар тун, кимнинг борлигини унутар олам. О, ҳар гал тонгларни кутиди шундай, Улим қаршида тик турган одам.

КЕЙИНГИ ТУҒИЛИШ

Тўсатдан эшиклар очилар, жонсиз нигоҳларга урилар нигоҳлар, Қадим кўзгулардан сизиб чиқар нур, Хонани ёритмай кўяр чироқлар. Тушларнинг шарпаси яшар бир кеча, гар биров келмаса эшикни қоқиб, кимингдир келишин кутиди улар, деразадан боқиб...

Инглиз тилидан Зулмуор ОРИФЖОНОВА таржималари

Марк Твендан укаси Хенри Клеменсга битилган нома

Кеокук, 1856 йил, 5 август

Севибли укажоним... Яқинша кунни эрталаб Ворд билан ўртамизда узоқ маслаҳатли иш бўлиб ўтди ва натижа шундай бўлдики, иккимиз ҳам Бразилияга қараб равона бўладиган бўлдик, тахминан олти ҳафталардан кейин ҳар томонларини чўқур ўрганиб чиққанимиздан сўнг капитан Мартина мартинг биринчи санасида этиб боришимизни хабар бермоқчимиз. Бразилияга Нью-Йорк орқали ўтиб кетмоқчимиз. Айни вақтда биласанки, сен билан ўртамизда кўринмас гўё пайдо бўлган, сен сафаримиз хусусида Орионга билдирмасликни маъқул кўрасан, уни гўё Ворднинг бир ўзи сафарга кетди, деб ўйлашни бўлтисан, мени эса ё Нью-Йорк ёки Янги Орлеанда қолди, деб гўмон қилишини яхшироқ, деб биласан. Аммо бу менга хос иш эмас. Биласанми, менинг одам зотиға бўлган ишончим ҳақ маҳал узоққа борган эмас, мен Ворд ёки яна кимнингдир ҳўқимларига тобе эмасман, мен қамиша ўз кўзларим билан кўрганларимга ишонман ҳамда ўз фикрларимга таянган ҳолда иш кўраман. Лекин Орионнинг қандайлигини сен биласан. Унинг миясига бирон ҳаёл ёпишиб қолса борми, уни иблис ҳам тортиб чиқаролмайди. Шундай экан, у билан тортишиб ўтиргандан кўра очикдан-очик дўқ-пўписа қилганим маъқул, бироқ ич-ичимдан унинг феъл-атвориини кўндек равшан биламан. Онам ҳам менинг ниятимдан хабардор-у, аммо у ҳам бу сафаримни Ориондан сир туттишимни истади. Онам унга аввал қандай муомала қилган бўлсам, яна шундай қолишимни хошлайди, худди мен узоққа эмас, гўё мен доим Льюисдан Нью-Йоркка, кейин яна Нью-Йоркдан Жанубий Америкага қараб сузаяётгандек ҳолда қотиб қолишим тарафдор! Ҳатто Орионнинг олти ҳафта ичидея эллик-юз долларга эга бўлишим борасида ажайиб таклифиға қарамасдан, дунёнинг турли бурчакларига қараб хатлари ва сирли саёҳатга чиқишга бел боғлаганман, сабаби, ҳаётим арзимас беш-ўн доллардан бебахорқодир.


Мен ўз қасамларимга доимо содиқ қолган инсонман, ҳадемай шамол мен истагандек тарафга қараб эшишни бошлаган ҳамон аҳду қарорим яна-да кўпроқ кучайиб кетар. Қил хоним менинг жонажон дўстим, қолаверса, онам билан Орионга унинг гапи ўтади ҳам, демек, оила аъзоларим борасида жудаям қайғурмасам ҳам бўлади. Эртага тонг отиши биланок унинг олдиға бориб илтмоқчимиз айтмоқчиман. Қил хонимни онам билан Орионга етарлича Жанубий Америка тўғрисидаги китоблар олиб боришини етказиб қўймоқчиман. Ворд ва Мартин билан бугун кеқчурун идорада узоқ сўхбат ўтказдик. Шундай келишдики, учаламиздан ўзга ҳеч кимни сафарда ҳамроҳ қилиб олмаймиз.

Ишонманки, бу сафарни ҳам аъло даражада удаллаймиз.

Тез орада сенга яна хабар бераман,

Аканг Сэм.

Инглиз тилидан Қандилат ЮСУПОВА таржималари



МАРК ТВЕННИНГ ДИЛНОМАЛАРИ

Обрен РИСТИЧ:

“БУ МАЙДОН ИЧРА ШЕЪРИЯТ ЯШАБ КЕЛМОҚДА”

– Муҳтарам Ристич жаноблари, келинг, суҳбатимизни ўзингизни жаҳон адабиётига қўшган ҳиссангиз қай даражада деб билишингиздан бошласак.

– Жаҳон адабиёти – барча денгизлар оқиб келадиган улкан уммон, илло, денгизларга дарёлар қуйилади, дарёлар эса анхору жилгалардан ташкил топади. Ёзувчи сифатида инсон ўзини, ўз ўрнини ва охири-оқибат, бу буюкликка, ҳаётбахш уммонга ҳиссасини қаердан ҳам кўрсин? Нафсиларини айтганда, менинг ушбу азим бадий оиланинг аъзоси сифатидаги ҳиссам ўз ўзини бўйлаб япроқлар ва шохлар, тоғу тошлар оралаб оққан митти сойда кўринади, деб ўйлайман.

Мен ўзи ҳаётимнинг кўп қисмини бағишлаган ва ўнлаб шеърини тўпламларда, Сербияда ва чет элларда бир неча антологияларда эълон қилинган, вата-

ним ва бошқа мамлакатларнинг кўплаб адабий журналларига муносиб кўрилган шеърларимдан ташқари, камина адабий журнал яратиш ва таҳрирлаш учун жавобгарликни ўз зиммамга олдим (“Исток” адабий, маънавий журнал) ва шу тарихи, жаҳон адабиётига ўз ҳиссамни қўшолдим, назаримда.

“Исток” журналининг ҳар бир сонидан тахминан 20-30 саҳифа замонавий жаҳон адабиётини серб тилига таржима қилинган асарлар чоп этилади. Шу тарихи журналнинг 26 сонидан 16 жилдли ўзига хос адабий антология тузилади. Шу билан бирга, журнал ўз халқининг барча маданий, маънавий ва моддий қадриятларини рағбатлантиради ва уларни дунёга тақдим этади.

– Айтинг-чи, гуманитар фанларсиз башариятга қай аҳволга тушган бўларди?

Таниқли серб шоири Обрен Ристич 1960 йили Тиховецда таваллуд топган. Шоирнинг, 20 дан зиёд миллий ва жаҳон антологияларга шеърлари киритилган. Унинг, айниқса, “Яратганининг ўзи буюк шоир”, “Рабимга ҳамд-сано”, “Бедорлик ва уйғониш” каби дилбар шеърини китоблари ўқувчилар томонидан севиб ўқилади. Унинг шеърлари инглиз, поляк, рус, македон, арман, болгар, румин, ўзбек, испан, грек каби бир қатор жаҳон тилларига таржима қилинган. Обрен Ристич кўплаб нуфузли мукофотлар соҳиби ҳисобланади. Ҳозирда “Исток” журнали Бош муҳаррири сифатида фаолият олиб бормоқда.

– Агар гуманитар фанлар доирасида, табиий ва ҳатто ижтимоий фанлардан фарқли ўларок, биз одамлар ва улари-

нинг маданияти таълимотларини кўриб чиқадиган бўлсак – бу маданиятнинг барча қирраларини ўз ичига олади: тил, адабиёт, санъат, тарих, фалсафа, дин – мен бу фанларнинг алоҳида йўналиши сифатида адабиёт тўғрисида аниқроқ ва баркамолроқ фикр айтишим мумкин.

Адабиёт фаолият соҳаси сифатида тилдан фойдаланишнинг турли жиҳатларини назарда тутати. Мисол учун, бизда диалект адабиёти деб аталмиш она тилимиздаги адабиёт мавжуд. Адабий журналининг муҳаррири сифатида мен янада кенгроқ ижтимоий масъулият юқини ўз зиммамга олдим ва бундан устун соҳа бўлиши керак бўлган адабиётдан ташқари, бу соҳа инсоният маданиятининг бошқа жиҳатларида ҳам кенгайиб боради.



Умуман олганда, гуманитар фанлар бўлмаган дунё компьютерлар, роботлар ва барча машиналардан иборат қалбсиз дунёга эврилиди, чунки табиий фанлар берадиган билимлар ушбу машиналарни бошқариш учун зарурдир. Ўзининг келиб чиқиши, тарихи ва маданиятини билмаган одам эса ишчи машинага айланади-қолади. Ва шеърини ҳақиқатдан тўхтаган бўларди?!

– Одамлар ўз ҳаётларида шеърни қандай топишлари мумкин?

– Шеърини – улғу жумбоқ, у инсон пайдо бўлганининг илк кунидан бери минг йиллар давомида яшаб келмоқда.

Ва Загаевский айтганидек, шеърини бир томондан, мусиқа (шеърини тўхтаганда, мусиқа яралади) билан белги-

ланган чегаралараро доимий курашда. Иккинчи томондан эса илк танқид сифатида сукут билан беллашади. Бизнинг табаррук епископимиз Николай (Велимирович) ўзларининг “Негош дини” асарига айтган эдилар: шоир туғилади-ю, само ва замин ўртасидаги воситачига айланади. Яратган Эгам фақатгина шоирларга илоҳий розларини очади... Епископ ва ҳозирги серб Черногориясининг ҳукмдори Пётр Петрович Негошини ўзи эса: “Парвардигори олам илоҳий сирни шоирнинг оташ қалбига шивирлайди”, деганди. Орадан кўп йиллар ўтиб шеърини яратган ривож учун давлат бюджетидан шунчалик кам маблағ ажратилмоқдаки, йилгагина келадиган ҳатто. Охир оқибат, бу оғир вазифаларнинг барчаси “Исток” журналининг муҳаррири ролидаги каминанинг ва баъзи адабиёт ихлосмандларининг зиммасига тушмоқда. Бугунги кунда кўплаб қадриятларга ҳужум қилинаётган бир паллада... танаси ҳам, руҳи ҳам порахурликка дучор бўлганлар орасида шоирлар Яратганининг марҳаматига ва У ато этмиш илоҳий илҳомгагина таяниб қолмоқда. Улар ҳақиқат қўшиғи мавжуд ва бир кун, албатта, янграйди, деган умиддалар. Бу қўшиқ ҳам қайғули, ҳам шодон бир куйдир. Бу майдон ичра шеърини қаддини адл тутиб, яшаб келмоқда.

– Шеърини ижтимоий тармоқлар билан рақобатлаш оладими?

– Бугун куйидаги саволга биз тез-тез тўғаноқ келмоқдамиз: барча қадриятлар (айниқса, адабиёт) илоҳийлаштириладиган бир паллада шеърини камситилмоқда? Нега бизнинг замонамиздаги шеърини тез ва бир марталик фойдаланишга мўлжалланиб қолмоқда? Нима учун адабиётнинг сеҳрли теранликлари ва сирларига шўнғиб, яширин хазиначиларни топишга улгурмаган истезмолчилар эҳтиёжларини қондириш учунгина хизмат қилмоқда? Алапоқибат, шўнғиш учун керакки ускуналари бўлганларгина бу хазиначиларга етиша оладилар. Шу

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 17-ДИУМ инглиз тили фани ўқитувчиси Дилфуза ТОШКАНБОВА суҳбатлашди



Жон ва Мери танишишди. Кейин нима бўлди, дейсизми? Агар бахтли яқунга умидвор бўлсангиз, А вариантини ўқинг.

А

Жон ва Мери бир-бирларини жондан ортиқ севиб қолишди ва турмуш қуришди. Иккови ҳам хушбичим, соғлом, бир-бирларига узукка кўз қўйгандек мосликлари етмагандек, ўзлари яхши кўрган ишлари ҳам бор. Бежиримгина уй сотиб олишади. Ниҳоят, даромадлари бутун эҳтиёжларини қоплашига ишонч ҳосил қилганларида, фарзандли бўлишга қарор қилишади ва бу орада икки фарзандни дунёга келтиришади. Болалар улғаяди ва ота-оналари истаган баркамолликка етишадилар. Жон ва Мерининг эҳтиросли турмуш тарзига жону жигарлар, қадрдонлар зеб бериб туради. Улар билан бирга қизиқ саргузаштларни бошдан ўтказишади ва охири ҳамма нарсадан рози ҳолда ҳаёт билан видолашишади. Ҳикоямиз шу ерда ўз поёнига етади.

В


Мери Жонни севади, лекин Жон Мери-ни севмайди. Йигит қизнинг вужудини ўзининг жирканч ҳирсини қондириш воситаси деб билади, холос. У ҳафтада икки марта қизнинг уйига келади ва қиз уни тансиқ таомлар билан меҳмон қилади. Йигитнинг қизни ресторанга таклиф қилишга ҳам лойиқ кўрмаганини ўзингиз тушуниб олгандирсиз? Таомни еб бўлгач, ётоққа ўтилади ва йигит ишини битириб бўлгач, ухлаб қолади. Бу орада қизгина дастурхондаги ювқусиз идишларни йиғиштириб, Жоннинг кўзига бефаросат кўринмаслик учун ҳаммасини ювиб саранжомлайди. Йигит уйғонганида қизга йўлақдаги ажнадек қарамаслиги учун пардозини ростлайди. Жон уйғониб, кийимларини қандай ечган бўлса, шундай кия бошлайди. Мери уни меҳр билан жим кузатади. “Албатта, мени севади, йўқса, келмасди. Фойдаланаман, деса, кўчада қиз камми”, деб ўзича ширин хаёллар суради, Жон билан тўй кечасини тасаввур қилиб кўради. Жон эса баъзан хайрли тун тиламай ҳам шундоқ чиқиб кетаверади. Уч кун ўтиб, соат кечки олтига занг ургани дам яна эшик тақиллатади. Яна бари бошдан бошланади.

Мери чарчади. Тўғри, йиғи юзни қаритиб юборишини ҳамма яхши билади, бироқ бу гал у чидолмади. Ишхонасидаги дўстлари нима бўлаётганини сезиб қолишади. Дўстлари унга Жоннинг каламуш, тўғри э итдан баттар пастигини, унинг Мерига номуносиб эканини қанча тушунтиришга ҳам, қиз асло ишонмайди. Унинг ягона ишонган нарсаси Жоннинг ичидан бошқа бир меҳрибон,

оққўнғил Жоннинг яширингандир. У энди Жоннинг ичиданги ўша раҳмдил Жон яхши-лаб сиқилса, озодликка чиқадиган пилла ичиданги капалак ё бўлмаса, ўрик ичиданги данак каби бир кун, албатта, қаршисига чиқиб, мен келдим, дейиши ва унга севиғи изҳор қилишини ўйлайдиган бўлиб қолди.

виски ичиб қилган тақдирда ҳам унинг қандай қизлигини ўзингиз фахмлаб олган бўлсангиз керак. Жонга кичик мактуб қолдиради...

Қиз Жоннинг ҳаммасидан хабар топиши ва ўз вақтида қизни касалхонага олиб бориб, у кўзини очганда қаршисига никоҳ уз-



БАХТЛИ ЯҚУНЛАР

Ҳикоя

Бир оқшом Жон овқатнинг нимасидандир норози бўлади. Аввал ҳеч бундай бўлмасди. Мерининг дили оғриди.

Эртасига дўстлари Мерига Жонни Маж деган қиз билан қайсидир ресторанда тамадди қилиб ўтирганини кўрганлари ҳақида гапириб беришади. Мерининг кўнглини синдириб, уни қаттиқ ғазаблантирган Маж эмас, ресторан эди. Ахир, Жон ҳеч қачон Мери ресторанда олиб бормаганди-ку! Мери дори қутисидан топан ҳамма уйқу дориларини бирдангига ярим шиша оқ испан мусалласи билан ютиб юборади. Буни

ги билан йиғлаб туришини хаёл қилганди, лекин буларнинг ҳеч қайсиси содир бўлмади ва Мери ўлади.

Жон Мажга уйланади ва ҳаммаси А вариантдагидек давом этади.

С

Анча қариб қолган Жоннинг ишқи йиғирма икки ёшли Мерига тушади. Мери эса қариянинг сочи тўкилиб кетгани учун унга чин дилдан ачинади. Уни севмаса ҳам қариянинг сазасини ўлдиргиси келмайди ва оқшом тамаддисига рози бўлади. Улар ишхо-

нада танишиб қолишганди. Мери худди ўзи каби йиғирма икки ёшли, ҳали уйланиш ва катта ҳаёт қуришга тайёрланаётган Жеймсни севади.

Бир куни Жеймс сўнгги урфдаги Калифорния гибрид мотоциклда Мерининг уйи ёнида пайдо бўлиб қолади ва қиз билан икковлон ҳатто сиз ҳам тасаввур қилолмайдиган даражада олис-олисларга кетишади. Узоқ саёҳат тугагач, Мерининг уйига қайтишади. Мери уни кечлик билан сийлагач, йигит ундан энди бўса оламан деган пайт, уйга Жон кириб қолади.

Мажнинг ку парвойи фалак, бироқ Жон севгилисига унга хиёнат этганини кўриб, тортмадаги тўппончани олади-ю, аввал йигит ва қизни, сўнгра ўзини отиб ўлдирди.

Маж эрининг азасини тутиб бўлгач, Фред исмли бамаъни бир йигит билан танишди ва ҳаммаси А вариантдагидек давом этади.

Д

Фред ва Мажнинг нолийдиган жойлари йўқ. Ҳикоянинг қолган қисми Фреднинг нақадар вазмин ва жуфтликнинг бир-бирларини гапирмай туриб ҳам тушуна олишлари билан ўз-ўзидан давом этиб кетаверади. Уларнинг орасида тушунмовчиликлар бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам, вазият таранглашишга улгурмаёқ ҳаммаси муросою маддара билан ҳал қилиб бўлинади. Фақат улар сотиб олган бежирим уй денгиз қирғоғида жойлашган ва кунлардан бир кун денгизда тўфон туради.

Ҳикоянинг қолган қисми жуфтликнинг тўфондан қандай қочганлари ҳақида. Минглаб одам нобуд бўлади, бироқ Худо ярлакагани шу бўлса кераки, Фред ва Маж тирик қолишади. Охирида жуфтлик жиққа ҳўл ҳолда, қайсидир тепаликнинг учидан бир-бирларининг пинжига кириб, келажак режаларини тузишади ва ҳикоя А вариантдагидек давом этади.

Е

Ҳаммаси яхши, лекин Фреднинг юраги ҳасталиги чатоқ. Ҳикоянинг қолган қисмида Фред ўлгунга қадар жуфтликнинг нақадар осойишта, бахтли кун кечирганлари ҳақида сўз боради. Охирида Маж А вариантнинг туғаланига қадар ўзини ҳайрига ишларига бағишлайди.

Истасангиз, бу якунинг номи “Маж”, “Ғазабнок”, “Туноҳор ва адашган” ё бўлмасам, “Қўшлар ортидан чопиб” шаклида бўлиши ҳам мумкин.

Ф

Агар бу ҳикоялар сизга жуда содда, оқсуякларга ҳос туюлаётган бўлса, келинг, Жонни инқилобчи, Мери эса жосус деб



Маргарет ЭТВУД (1939), канадалик адиба

ёзинг ва бундан кейин юз беражак воқеаларни жимгина кузатинг. Бироқ бу ерларнинг номи Канада эканини асло унутманг! Нима бўлган, нима қўйган тақдирда ҳам, ҳатто эҳтирос тўла фожиавий можарони тасвирласангиз ҳам, охири бориб пешонангиз А вариантга урилаверади.

Агар шу қоидага риоя қилсангиз, воқеаларни қандай чалқаштирсангиз ҳам, барча йўллар шу якундагина ўз муродига етади. Бошқа якунларга алданманг, уларнинг бари сохта. Уларнинг бари атай ғараз ниъти фориб ё ўта сунъий романтизм сабаб бўлмаса ҳам, жуда бўрттирилган оққўнғиллик боис сохталикдан бошқа мақомга эришишолмаган.

Ягона рост гап шу: Жон ва Мери ўлади. Жон ва Мери ўлади.

Яқунлар ҳақида кўп гаплашдик. Бошлангилар доим қизиқроқ бўлган. Нима бўлган тақдирда ҳам, ҳар қандай бурилиш мана шу икки вужуд ўртасидаги тортишувлар, келишмовчиликлар сабаб ўз беради. Чунки улар билан фақат битта амал бажармоқ бажарилиши энг қийин ягона амалдир.

Арзирли сюжетлар ҳақида гапиришга лойиқлари шулар эди. Фақат битта ибтидо ва миллионлаб яқун вариантлари: бир ҳодиса ортидан келган бир ҳодиса, бир воқеа ва бир воқеа ва бир воқеа ва яна худди ўша. Энди эса сиз “Қандай” ва “Нега” вариантларини синаб кўринг.

Инглиз тилидан ДЕНГИЗ таржимаси

Ўзбек адабиётида Чустийдан сўнг аруз вазнида қарийб қалам тебратилмай қўйилди, деган фараз юради. Бироқ бугунги шеърятимизнинг истеъдодли вакиллари ушбу анъанани ҳамон давом эттираётгани қувонарли ҳол. Мумтоз оҳанглиримизни ўз ижод намуналарида сақлаб қолган ва газалхон муштарийларимиз кўнглини хушнуд этиб келаятган сўз заргарларининг бисотидан бир туркумни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Равшан ТУРДИЕВ

Ўзинг ҳар нега қодир,
Ўзиндан неки содир.

Тилим зикринга пайванд,
Отинг жонимга жодир.

Ики оламини туздинг,
Сахойинг бебаҳодир.

Ранго ранг келди олам,
Кўзим оқу қародур.

Субҳ кўзимга меҳмон
Чу пайғоми масодир.

Борай, қасримни кўрсат
Омонат бўлса чодир.

Бўлай анда алифқад
Ки, тоқай ғамда ёдир.

Ҳавас кўп, ҳавсалам йўқ
Ҳаёдуру у, ҳаёдуру.

Аё, севдим ўзингни
Муҳаббат бериёдир.

Роҳи равшанга тушдим
Тамоми пуриёдир.

Сочларингнинг ораси(йда) ухласам
Кипригининг қорасида ухласам.

Эй, ширин, кавсар лабингдин бошланур,
Шарбатинг қавворасида ухласам.

Чекдим ҳажрингда жафолар субҳ, шом,
Кечалар, дил порасида ухласам.

Гулда қилгайдир тажаллий оразинг,
Го бани дилдорасида ухласам.

Қилмайин кўйсинми девона мени,
Муддаолар борасида ухласам.

Кўзларинг қилгай табассум дейдилар,
Йиғламаслик чорасида ухласам.

Уйғонурман бир кунни уйғотса сур,
Бу фано нақорасида ухласам,

Равшан эттир равзанинг машумини,
Сочларингнинг орасида ухласам.

Лабинг энг тоза майдир,
Рухавозлиққа шайдир.

Юзинг кўкламни ёди,
Хазонни истамайди.

Товонинг чертди танбур,
Белинг ингичка найдир.

Сочинг денгизга тамсил,
Тутай киприқни, чайдир.

Ики қошинг қариндош,
Ики зулфинг ўгайдир.

Хаёлим беҳаёми,
Шакаргоҳингда дайди.

Ўчирғил ёки ёндир,
Қара, жоним тутайдир.

Сени ой юзли дерлар,
Кунгил ойни тусайдир.

Бу савдо кирди жонга,
Чиқиб жоним тугайдир.

Дема, Равшан, демангким,
Десам кўнгил бўшайдир.

Билмонки сифотинг, у малоикми, башардин,
Филмонки, кўзим тинмади кўрсам қамашардин.

Оғдирди ҳушим бирла хаёлимни жамоли,
Ҳар кечаю кундузда келиб шамс қамардин.

Қошинму дейин, кўзими ол ол ёноғин,
Бор иккиси жонимга уюштирди набардин.

Гисуларидин тутди қаро парда балога,
Кўзимни яна қилди сиво зеру забардин.

Отингни тутиб излади дилдор деманглар,
Хуршид узилиб бошимга тушгай бу хабардин.

Мажнунми, деса эл мени, қилдек назарим йўқ,
Чун қолмади ҳеч соғ ила савдойи назардин.

Булбулни бўлай толиби ғафлатда ўтирмай,
Оҳангига навгунчалар очилса шакардин.

Равшанни бу гуфториди топилса нишоти,
Боиски на ғам ютсада ошоми шакардин.



ДИЛОРОМ

Мани ёр ёдидинму ё чиқарди,
Ўзи чорларди бизни ё чиқарди.

На янглиш кечдиким, ёнига борсам,
Кўзидин ўқу қошдин ё чиқарди.

Кўтарса пардани дунёга чиқса,
Кўрага юзини дунё чиқарди.

Манга пешвоз юрарди анга юрсам,
Ҳар одимдан бу жон гўё чиқарди.

Дило, тўти эдинг зикрида гулнинг,
Не толеъ, булбулигўё чиқарди.

Сочи бир ёна, бир бир ёна тушди,
Анинг савдосидин дил ёна тушди.

Кўнгул гирёна тушдиким йўлига,
Кетолмай ёна ёна-ёна тушди.

Қўлимдан унди гул, сўзу забондин,
Қачонким бу бағрга донга тушди.

Кўзи тушмайди манга неча кундир,
Наҳотки ўртага бегона тушди.

Ичимга сўз дуриин йиғдим, деёлмай,
Дўниб ашкимга, донга-донга тушди.

Само рақсига тушдим, аҳли ушшоқ
Яна ул моҳирўй хайрона тушди.

Кўзига тушди кўз, мастона тушдим,
Қўлимдан май тўла паймона тушди.

Бу майдондин, деманг, дил тушмади ҳеч,
Бу майдонга ахир мардона тушди.

Бошим ҳозир оёғинг қайда бўлса,
Қўлинг толеи қошки бойда бўлса.

Лабинг асрорини сотгай жаҳонга,
Агар дарду фиғоним найда бўлса.

Кўзим, қошим, қабоғим узра юрсин,
Қадам отишларинг ҳам майда бўлса.

Ўзим ҳар қайдаман, кўнгул ўзингда,
Муқимсан гар кўнгул бир жойда бўлса.

Кўзимнинг косасин лим-лим тутайким,
Кўнгил қондир, хуморинг майда бўлса.

Қуёш кун кўрмагай ёруғ жаҳонда,
Сенинг ҳусну жамолинг ойда бўлса.

Осон берсин Дилором жон кўлингдан,
Ўзинг жон ол пичоғинг мойда бўлса.

Хатингни, дилрабо, тунлар ўқирман нолалар бирла,
Юракда халқириқ ҳар дам, кўзимда жолалар бирла.

Ғаҳи сачраб кўзимдан қон, ғаҳи исминга кўз сурдим,
Безанмиш саҳфалар шундан мисоли лопалар бирла.

Юзунгга термулиб, эй ой, чунон рашк бирла ёлвордим,
Шукрим, бир тўлишдин-у, ўрандин ҳолалар бирла.

Ажаб рўшнолигим йўқдир, хаёлинг йиғлатар, эй жон,
Мудом ҳасрат билан дийдам, юрак парголалар бирла.

Келиб бармоқларинг бирла тўсиб кўзимни оламдан
Ва ё кўзимга дунёни қаро қил толалар бирла.

Биров дил оташинга дош беролмас тоби ишқимдан,
Сенинг отингни туймоқ чун ўтурсам волалар бирла.

Кўнгулнинг ройидин қошинга келдим,
Юзингни ойидин қошинга келдим,
Кўтарма жойидин, қошинга келдим,
Эгилдим ёйидин, қошинга келдим,

Дедим: отсин фалак, дастига чўксам
Ва ўлсам дастидан, қастига чўксам.
Харобу ташнаман, остига чўксам,
Оқар дарёйи дин, қошинга келдим.

Чиқаргай инидан сўзинг илонни,
Қароғинг имлагай руҳи равонни.
Ол, ол олма каби тутсам бу жонни,
Сўзингни мойидин қошинга келдим.

Отинг десам, тушар урғуси оҳга,
Раҳм айла, бу дунё тўлди чоғга.
Кўтарсам бошимни, йўйма гуноҳга,
Гар ишқинг пойидин, қошинга келдим.

Эзиб ич ёшини, тиндирма Дилни,
Қадин ё ё қилу, синдирма Дилни,
Омон, мижгонидан индирма Дилни,
Кўзинг савдойидин қошинга келдим.



Боқий МИРЗО

Кўнгил хуррам, ситам ёдимга келмас,
Унут ҳижрон, алам ёдимга келмас.

Хаёлинг хуснидан бир шеър яратдим,
Шошиб қолдим, қалам ёдимга келмас.

Висол соғинчидан туйдим ҳаловат,
Хазинандан қарам ёдимга келмас.

Гўзал орзуларим – тоғим, суянган,
Сени кўрсам, у ҳам ёдимга келмас.

Висолинга етишни қасд этардим,
Кўнгил шодон, қасам ёдимга келмас.

Хаётимга кириб келдинг баҳордек,
Тамом ўтмиш, санам ёдимга келмас.

Хаёлинг шунчалар ширин, сарафроз,
Утар ойлар, ҳарам ёдимга келмас.

Қачондан ногаҳон тушди кўзим сенга,
Шамолдек талпинар ўтлинг сўзим сенга.

Қиё боқмоқ на бир кўнглингга ҳам келмай,
Умидвор кўз тикарман лек ўзим сенга.

Йўқолсам, дўстларим асло азоб чекмас,
Адаштирамай олиб боргай изим сенга.

Кеча кўйингда оҳ урмоқ билан бандман,
Нажот излаб фидодир кундузим сенга.

Бу хил девонадан безормисан, асли,
Саҳар-шомлар тилайдурмаен тўзим сенга.

Ғаминг саҳросида саргайганидин ким,
Назарга арзимас балки юзим сенга.

Қачондин ногаҳон тушди кўзим сенга,
Гиёҳдек талпинар ўтлинг сўзим сенга.

ТЎКИЛДИМ

Йўлларингга япроқ бўлиб тўкилдим,
Изинг тушсин, тупроқ бўлиб тўкилдим.

Фариштадай чиқиб қолсанг йўлимдан,
Ҳаяжонда титроқ бўлиб тўкилдим.

Йиллар ўтди, васлинг ҳамон орзуийм,
Алиф қадади сўроқ бўлиб тўкилдим.

Кўзларингга бир термулсам яқиндан,
Лекин сендан йироқ бўлиб тўкилдим.

Севги шундоқ: пешонамиз шўр экан,
Айрилиқлар, фироқ бўлиб тўкилдим.

Ўқилмади азобли ишқ китобим,
Ҳар кун битта вароқ бўлиб тўкилдим.

ҚОРА КЎЗЛАРГА

Балки шўх боқан бу кўзлар дилга ишқ солмоқчидир,
Ишқ солиб дил ихтиёринг забтига олмоқчидир.

Нега ҳеч кетмас хаёлдан юзларин хуш сурати,
Бир умр балки хаёлда муҳр ўлиб қолмоқчидир?

Кечалар қалбим у кўзлар хотирига бандадир,
Ташна дил ширин умидлар бағрида толмоқчидир.

Кўзларинг кўрғач, кўзига сингимоқ орзум эди,
Найзадек киприқлари лекин анга пойлоқчидир.

Ошиқ ўлдинг, Боқий МИРЗО, бўлмагил беэътибор,
Сенга шўх боқан бу кўзлар эҳтимол алдоқчидир!

ЭМИШ

Бир нигоҳ бирлан тилим лолу кўзим хайрон эмиш,
Кўзларинг шаҳлосида сеҳр оташи пинҳон эмиш.

Мен кўнгил сиррин қалам бирлан кўнгилга жойладим,
Назм аро бу шарҳи ишқ охир бу кун девон эмиш.

Ўзга бир таскин тилаб дил дилбарим ҳижронда
Беадад ёнғонидин бир ўзга дил сарсон эмиш.

Хуснини чиздим, хаёл кўкидин олдим сатр аро
Севгиллим шайдоларига бу юмуш армон эмиш.

Васл умид қил, Боқий МИРЗО, чунки шум ағёрнинг
“Ўзгада кўнгли” деган иғволари ёлғон эмиш...

ҲИЛОЛ

Шомлари юлдуз аро соҳибни осмондир ҳилол,
Менга шодлик, сенга орзу, кимга армондир ҳилол.

Партави жон бахш этиб, жонимни айлайдир асир,
Ё замин маҳбубаси, ё менга жонондир ҳилол.

Менга ноз айлармикин, кимдан уёлгай вожаб,
Гоҳ юзин очгай, ғаҳи абр ичра пинҳондир ҳилол.

Қанчалар маҳбубига юлдуз олиб бермоқ бўлур,
Лек ололмас то шу дам, юлдузга посбондир ҳилол.

Менга ноз айлармикин, кимдан уёлгай вожаб,
Гоҳ юзин очгай, ғаҳи абр ичра пинҳондир ҳилол.

Қанчалар маҳбубига юлдуз олиб бермоқ бўлур,
Лек ололмас то шу дам, юлдузга посбондир ҳилол.

Шул нафис хусни билан қалбларга илҳом бахш этиб,
Шеърят шайдоларинг назмида дostonдир ҳилол.



Шоира ШАМС

Эй хаёл ичра ниҳонлиг истағон,
Ошиғин бехонумонлиг истағон.

Лабларин жонбахшига шайдо қилиб,
Васл учун руҳи равонлиг истағон.

Ҳажр ила урён этур жонларни, лек
Ишқ аро оромижонлиг истағон.

Ингротуб ҳар кеча то отгунча тонг,
Заҳм ичинда ошиёнлиг истағон.

Чекди-ю муҳри фано тақдирини,
Даҳр аро аҳли омонлиг истағон.

Тийра отдек секретиб ҳар хомани,
Назми шоҳи хурдадонлиг истағон.

Шоира, бўл истағин амридаким,
Шоира булбулзабонлиг истағон.

Дилим қонга чўмилганда қизил кийдим,
Кўнгил ғамга кўмилганда қизил кийдим.

Ёнимда борларим йўқдай тутиб ўзни
Умид бир-бир узилганда қизил кийдим.

Қизил кийгай фақат эл шодумонлигда,
Мен эрсам, ҳар эзилганда қизил кийдим.

Не кийдим бўлса гар тўй, фарқсиз, лекин
Аза мотамга кирганда қизил кийдим.

Чаманда бир гул оташ куйлагин кийди,
Ўшал нарғис юмилганда қизил кийдим.

Мунаввар осмон юзини доғ айлаб,
Қаро тунга кўмилганда қизил кийдим.

Деманг, Шоира хушнуд ул қизилликдан,
Дилим қонга чўмилганда қизил кийдим.

Кўнгил ғамга кўмилганда қизил кийдим...

Бир кун қуёшсиз ҳам кунинг равшан бўлодир, эҳтимол,
Ғам тоши эзган қоматинг савсан бўлодир, эҳтимол.

Бир кун бошинг остида ҳам гулдан униб болишларинг,
Бошдин аёғинг гулбадан, гулшан бўлодир, эҳтимол.

Бир кун сўнар кўздан зиё, гар сўнмас сўздан зиё,
Ҳар лутф аро бир гуҳари маҳзан бўлодур, эҳтимол.

Бир кун мазоринг бошига лаъх ўлса ошиқлик сиринг,
Ишқ элига чилланишинг маскан бўлодир, эҳтимол.

Эй Шоира, сўзташналарга чашма бўлса дафтаринг,
Ҳар яхшидан отингга юз аҳсан бўлодир, эҳтимол.

Ҳар соатким, жонда тутгаймен Сени,
Ё кўнгул, ё кўзда бутгаймен Сени.

Кипригимданки ясаб ҳар хомани,
Қоғази мардумга битгаймен Сени.

Жисму жоним гўёи хуш манзилинг,
Чун хароботимда кутгаймен, Сени.

Ҳизр суйидек сиришким ичрасен,
Чашмайи об ўйла ютгаймен Сени.

Ишқ борки, ўлмагимда маъни бор,
Ишқ йўқ, эй мурда, нетгаймен сени?!

Лаҳза сори ортадур заъфинг, дилим,
Бу кўйи бошинга етгаймен сени.

Бир жунунлик ичра солдингки қулинг,
Ё жаҳон, ёки унутгаймен Сени.

Эй жинон ичра жамоли хуснипартав ханда гул,
Йўқ эмиш раънолар ичра сен каби гулшанда гул.

Анбари мушқинг таротиб елди-ю бир тонг насим,
Етти иқлим андалиби бўлди нолон банда, гул.

Отинг айтиб тўти-ю кумри фиғони кўқдадур,
Худхуд-у, каклик, кабутар, қарлуғоч гўянда, гул.

Рашқдин кўнглини доғлаб сарғариб кетди юзи,
Куйди нарғис, куйди сунбул, ёсуман гулханда, гул.

Навиҳонлиг игна кўзидан ўтар ипдеккина,
Сарв ила шамшод мулзам ҳар назар қилганда гул.

Бағри хунимдек қизил рухсор уза шабнам суйи,
Йўқ эмиш пок ўлмаганлар бул ажиб масканда, гул.

Шоира гулшанга кирди гулга айланмоғ учун,
Ишқ бирла эмди рух-у, жисм-у, жон-у танда гул.



Орифжон КОМИЛ

Уйғонинг сур сиздин ғамгин садо келмай туриб,
То эшиқдин жон олувчи жон гадо келмай туриб.

Лаҳза-лаҳза эврилиб тўлгай умр паймонаси,
Эвриллар ҳар лаҳзада охир адо келмай туриб.

Ҳаж қилинг мискин фақирнинг кўнглини Каъба дебон,
Токи мискин қалбидин ўтли нидо келмай туриб.

Пок замин тупрогини обод этинг, кўзга суриб,
Пок эди обод замин Одам ато келмай туриб.

Кўп хайр эҳсон этинг, олам матосидин бугун
То кафанлик икки эн, бир газ мато келмай туриб.

Най навосин тинлангиз, ҳикмат, ривоятлар билан,
То шикоят этгали мушфиқ сато келмай туриб.</

Январ кайтренамалари



Сухбат АФЛОТУНИЙ

Сухбат Афлотуний тахаллуси остида ижод қилувчи ўзбекистонлик русийзабон шоир ва насрнавис Евгений Абдуллаев 1971 йили Тошкентда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг фалсафа факультетини тамомлаган. "Арион", "Дружба народов", "Звезда Востока", "Знамя", "Новая Юность" каби етакчи адабий нашрларда ҳамда альманахларда унинг шеърлари эълон қилиниб келади. У кўплаб ўзбек асарларини рус тилига таржима қилган.

1 Адоғига етди Маъбудлар жанги. Фақат ўлиқлар қолиб кетди мурдалар чангалзори йўлида, боқ, бояқшлар Адоғига етди Маъбудлар жанги фақат жарандор жасадларини териб келиш учун шиша идишлар каби.

2 Эрта саҳардан жанг майдонига тушиб қоласан. Нафасинг оқлик, дунё нафасингдек тиник. Фақат қушлар. Қушлар билан кимнинг иши бор! Фақат ўзинг қолдинг. Сенинг ҳам қушчалик қадринг йўқ эди.

3 Туман касалхонасига ўхшаб кетар қиш. Иси ҳам, ранги ҳам, қадамлар ҳам оқ... Бўйнига тош боғлаб чўкар – тубсизлик.

4 Маъбудлар жанги туғади. Ҳисоб 2:1. Дуранг. Сукунатга қадам қўясан. Томда, қорда жиққа терга ботган чумчуқлар.

5 Этик пошнаси тайрилар, сирланчиқ. Осмондан элақда эланар Маъбудлар парчаси. Тўқ-тўқ кетиб боради.

Гўдак бурунчаси ёпишиб қолган ойнага. Қуйиб қуйгандек бобосининг ўзгинаси.

6 Жанг майдонига аёллар. Дайдилар. Оғизлардан тутун бурқсийди. Бир финжон сувдек Чайқалиб-чайқалиб, тўкилиб-тўкилиб ўтади Трамвай ҳам бекатларда.

7 Яланғоч тананга илиб олгансан пальто. Осмондан қор эмас, ёғмоқдадир туз. Жанг майдонига шахид бўлганлар Кеча кечқурун олиб кетилган. Оқшом маркарларни томоша қилиб ўтирасан. Ёстиққа бош уриб куласан, ёстиқни тешади бу заҳарханда.

8 Ер сайёраси, болалар суриб ўйнаган велосипед эски гилдирагидек думалоқ. Ўттиз уч маъбуд орасида Қийин роса бу фасл отини айтиш: қахратон қиш! Қиш!

9 Болақай тутмоқчи тилида қор учқунларин. Маъбудлар жанги етди адоққа.

Олис Миср юртида, сукунатдан қотиб қолди Нил тўлқинлари. Нега? Осмонда бўм-бўш Маъбудлар арши.

10 Дунё нафаси тикилиб қолган. Европага очилган дарича мисол январ соқоли ўсиб кетди оппоқ, паҳмоқ тивитдек. Ҳовлида, изгиринда қоронгу тушгунча пайпаслайсан, Кутасан шеър оҳангини. уйга шўнғийсан.

11 Адоғига етди Маъбудлар жанги. Опа-сингиллар, холалар, аммалар... Қор йғими мавсуми шовқини остида ерга туз сепишар бидир-бидир: тунги гўзалларнинг уруғ доналарини. Жўқа чойини ҳам.

Ер юзидаги сўнги қор одам аёл устига тирмашар. Чидайди боққил. «Бир кун катта бўлади, аҳмоқ!» Бўғзимга тикилар ҳайқирқ, қичқираман: ў, керакмас!

12 Шунақа. Тагин бир кун ўтди умрдан, мана.

ўлим, фақат бир қарашда қўрқинчи, иккинчи марта ўлмаймиз, билмаймиз навбатдагисин. эсингдами, Дўзах ҳақида тортишган эдик, иккиландим мен, бор дегандинг сен.

ошхонага сал-пал ўхшайди Дўзах, ҳамма билан ишдан қайтибди она, маргарин бор, тупурди аҳмоқ, маймоқ, ҳаммага тупурди, ҳамма-чи тупурди унга ҳам, мана.

товага солинган котлетлар қўлида қолди, тупуриб билмас эди у ғаройиб сасин. тилини куйдирди котлетлар сўнгра, оғзида тўғрилаб қўйди онаси.

кечки овқатдан сўнг телевизор қўриб, унутишди дўзах хаёлларини ҳам.

эътироз билдирдим, дўзах дегани ҳам нулдек бўм-бўш тушунча. шунчаки термин. ҳаёт ҳақида ўйлаш керак, Лев Николаевич эганидек. ҳа, дарвоқе, кўпчилик буюқ, даҳо деб билгани билан менга ҳеч ёқмайди Толстой дегани!

Рус тилидан
Турсун АЛИ таржималари

НУҚТАИ НАЗАР



Мухаммад ВАЛИЙ

Тараққиёт бобида замон шиддатидан илгарилаб кетган адабиётгина ўзининг улғу миссиясини шараф билан уддалаган бўлади. Замон зам-замаларига ўралашиб қолган адабиёт айнинди, бузилади, ўзлигини унутди. Адабиёт ўзининг абадий мавзуси – ИНСОН муаммоларини ёритиши баробарида ҳар бир тарихий даврга муносабат билдирди, маълум маънода тарихий тараққиёт босқичларини ҳулосалайди. Айни шу ҳулосалари, муносабати сабаб инсон қалби, онг-шуурида яшайди. Ҳўш, миллий адабиётимиз шу пайтга қадар қайси глобал муаммолар ҳусусида бош қотирди, унинг изтироби ва қувончини халқимиз қандай қабул қилди? Ушбу саволларга жўяли жавоб беролсак, мактабда адабиёт ўқитишнинг мақсад ва вазифалари ойдинлашади. Тўғри, ҳозир ҳам лойиҳада бу масалага янгича ёндашилган. Лекин биз ёндашув яна ҳам ўзгачароқ бўлиши лозим, деб ўйлаймиз. Фикримизни икки сарлавҳа остидаги мулоҳазалар ҳосида тушунтирамиз.

ИНСОН ЭРКИ ВА БАТАН ОЗОДЛИГИ – ОЛИЙ КАДРИЯТ ЁКИ “ГЎЗАЛ”ДАН “СЕВГИЛИ ЭРКА”ГАЧА

Миллий ўқув дастури лойиҳасида мазмун-мундарижасидан келиб чиқиб, мавзулар маълум гуруҳ-руқнларга ажратилгани мақсадга мувофиқ иш бўлибди. Биз ҳам шундай ёндашувни маъқуллаймиз. Фақат асарларни танлаш ва гуруҳ-руқнларга ажратилишида бошқа мезонларга асосланиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, инсон эрки ва Ватан озодлиги орзуси XX аср ўзбек шеърятининг бош мавзусига айланди. Чўлпоннинг “Гўзал”, Абдулла Ориповнинг “Сен баҳорни соғинмадингми?”, Мухаммад Юсуфнинг “Уйқудаги қиз” шеърларини бир гуруҳ-руқн остида ўрганган ўқувчида XX аср ўзбек шеърятидеги бир ўйналиш, унинг моҳияти ҳусусида яхлит тасаввур-тушунча шаклланади. Чўлпон излаган гўзал, Абдулла Ориповни соғинтирган севгили эрка, Мухаммад Юсуф эъзолаган уйқудаги қиз аслида инсон эрки ва Ватан озодлиги рамзидир. Улуғ шоирлар аёл, машўҳа, қиз образлари бағрига эрк ва озодлик ҳақидаги орзуларини яширишганини ўқувчи билсин энди.

Юқоридагиларни айтишдан бош мақсад – ўқувчининг қалб кўзини очиш, унинг онгини уйқудан уйғотиш. “Гўзал” ва “Сен баҳорни соғинмадингми?” шеърларини турли синф ва гуруҳ-руқнларда ўрганиш қутилган самарани бермайди. Шу пайтгача дарслиқлар ҳар икки шеърдаги юза қатламни умумий-мавхум изоҳлаш билан чекланди. Энди зукко шеърхон англаган ва завқланган ҳақиқатларни мактаб ўқувчиси ҳам иналийлик. Шундагина биз чинакам миллий юксалишга эришамиз. Акс ҳолда, адабиёт ўқитувчилари “Ўзбекистон” шеърдаги “кумуш диёр” тасвирий ифодасини ўқувчига Ўзбекистон сифатида таништириверишади. Шеърда босқинчи чор Россияси ва мустабид шўро тузуми – кумуш диёрга дoston битилмаган юрт – Ўзбекистон қарама-қарши қўйилганини айтмайди, айтолмайди. Чунки унинг ўзи айтишга тайёрмас. Айтилмагандан

Мактабда адабиёт фанини ўқитишнинг яхлит тизими яратилгани бошқалар қатори бизни ҳам ғоят қувонтирди. Мазкур фан бўйича миллий ўқув дастури лойиҳаси билан танишарканмиз, узок йиллар давомида кўникилган анъаналар сезиларли даражада янгилангани яққол сезилди.

АДАБИЁТ ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛИШИ КЕРАК?

кейин ёшлар Мухаммад Юсуфнинг “Уйқудаги қиз” шеърини завқ-шавқ билан ўқийверишади. Уйқудаги қиз нима учун қаро ерга бош қўйгани тўғрисида ўйлашмайди ҳам. Шоир “парэстик” эмас, балки “қаро ер” деяпти. Шу эпитет – уйқудаги қиз эрк ва озодлиги рамзи эканини тушуниш учун очқич. Агар Абдулла Ориповнинг “Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси” номли шеъри “Уйқудаги қиз” билан бирга ўргатилса, ўқувчи асл моҳиятни осон англайди, “уйқудаги қиз” образи нима сабабдан бир шеър доирасига сизмай кейинги авлод ижодига кўчганини тушуниб етади.

Мазкур ёндашув – ўқувчини шеърятга ошно қилиш учун энг мақбул йўл. Албатта, ушбу гуруҳ-руқни остида фақат моҳиятан бир-бирига яқин шеърларинигина бирлаштириш зарур, деган қарашдан мутлақо йироқмиз. Йўқ, бу руқн остида бошқа жанрдаги асарлар ҳам берилверади. Дейлик, Ойбекнинг “Фонарчи ота” ҳикояси айни шу гуруҳ-руқнга жуда мос. Ҳикояда зулмат қўйнидаги кўчалар Фанорчи ота томонидан бир амаллаб ёритилиши эрк ва озодлик, ёруғликка интилиш тимсолидир!

Уйлаймизки, бу ғоя дастур тузувчилар ва дарслиқлар муаллифлари томонидан такомиллаштирилади ва сайқалланади.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ ЁКИ ҚОБИЛ БОБОДАН МЎМИНГАЧА

Биз миллий юксалиш ҳақида кўп гапираимиз. Инсон ўзлигини англаши учун, энг аввало, ўз ҳақ-ҳуққини билиши лозимлиги ҳусусида бонг урамиз. Чунки барчага аён ҳақиқат шуки, ўзликни англамасдан миллий юксалишга эришиб бўлмайди. Бу жараёнда мактаб парчасидан бошланмаса, кейин кеч бўлади. Миллий ўқув дастури муаллифлари шу мақсадда Абдулла Қаҳҳорнинг “Уғри” ҳикояси ёнига Шукр Холмирзаев қаламига мансуб “Ўзбеклар” ҳикоясини қайтаришган бўлса, ажабмас. Биз икки ҳикоя ёнига Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” комедиясини ҳам қўшиб, бу асарларни бир гуруҳ-руқн остида бирлаштириш тарафдоримиз. Нега? Негаки, ҳар уч асарни бир жиҳат, яъни ўғрилиқ масаласи бирлаштириб туради. Лекин ўғрилган ҳўкиз, қўзи ва олтин мавзунини ёритишда восита вазифасини бажарган, холос. Яширишнинг кераги йўқ; халқимиз гўллик ва ношудлик маъносидеги қобиллик ва мўминликни “моп”, “қўй” каби ҳайвонлар орқали таърифлайди. “Уғри” ва “Ўзбеклар”да бежиз ҳўкиз ҳамда қўзи ўғриланиши қаламига олинмаган. Муаллифлар мавзу мақсадида ишора сифатида атайлаб ҳўкиз ва қўзини танлашган. От ёки эшак эмас, балки ўғрилиқ объекти айнан ҳўкиз ва қўзи! Таъқидлаш жоизки, Шукр Холмирзаев “Қобил” ва “Мўмин” исмларини тақорламаслик учун ачиниш ҳамда киноя аралаш қаҳрамонини Ботир деб атаган.

Умуман олганда, “Уғри”даги Қобил бобо “Олтин девор”даги Мўминнинг отаси. Қобил ва Мўмин – ўзлигини билмайдиган аборг тоифа тимсоли, Ботир чўпон – уларнинг давомчиси. Бу занжир узилмас экан, миллий юксалиш орзуси орзулигича қолаверади. “Олтин де-

вор”да Мўминнинг тилларини Қилич ўғриллайди. Қилич – қобиллик ва мўминлик устидан қулуви, ҳукмронлик қилуви ёвуз қуч. Афсуски, Қобил бобо, Мўмин ва Ботир чўпонда ҳўкизлик, моллик, қўйлик сифатлари мавжуд. Ўқувчига шу гуруҳ-руқндаги асарлар воситасида шундай таъсир ўтказиш керакки, токи у ўзида бундай сифатлар бўлмаслиги учун қурасин. Айни чоғда бир гуруҳ-руқндаги асарларни ўрганиш орқали ўқувчи ёзувчи-ижодкорлар мураккаб муҳитда яшашса-да, ҳақ сўзини айтиш йўлини топишганидан, бу йўл уларни чўчитмаганидан фахрлансин. Шу тариқа адабиёт миллиятни уйғотиш воситаси экани ўқувчи онг шуурига синдирилади.

Яна бир бор тақорлаймиз: “Уғри”, “Олтин девор” ва “Ўзбеклар”да қобиллик ва мўминликдан зада бўлиш изтироби тасвирланган. Шу боис бу уч асар бир гуруҳ-руқнга бирлаштирилгани маъқул. Бироқ “Менинг ўғригина болам” ҳикоясини уларнинг қаторига қўшмаймиз. Ҳўқча матни билан таниш ўқувчига маълумки, унда ўғридан, ўғрилиқдан нолиш эмас, аксинча, халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик ифодаланган. Бундан келиб чиқадики, асарларни ягона гуруҳ-руқнга бирлаштириш жараёнида улардаги шаклий ўхшашлик, юза қатлам бош мезонга айланиб қолмаслиги лозим. Шу маънода “Рўхлар исёни” достони, “Еввойи йўрга” ва “Даҳшат” ҳикоясини “Инсон эрки ва Ватан озодлиги – олий кадрият” гуруҳ-руқнига, “Темир хотин” трагикомедияси ва “Бемор” ҳикоясини “Ўзликни англаш – миллий юксалиш пойдевори” гуруҳ-руқнига қўйиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Биз адабиёт фани бўйича миллий ўқув дастурлари лойиҳаси ҳусусида ҳозирча айрим мулоҳазаларни билдириш билан қифояландик. Қурайлик-чи, жамоатчиликнинг бу борадаги фикри қандай? Вазиятга қараб балки яна мавзуга қайтармиз. Ҳозирча икки гуруҳ-руқн ва улар доирасига кирувчи баъзи асарларнинг айрим жиҳатларигагина тўхтадик. Лозим бўлса, асарлар сони ортиши, талқинлар ҳам тўлдирилиши мумкин. Энг асосийси, янги талқинларсиз иш битмайди. Ўқитувчи ва ўқувчини фақат савол-жавоблар ёрдамида биз назарда тутаятган оламга олиб кириши қийин. Эҳтимол бир гуруҳ-руқндаги асарлар учун умумлаштирилган талқинлар амалга оширилар. Мулоҳазаларимизни ёзиш жараёнида биз қисман шу йўлдан бордик. Ўз-ўзидан аёнки, биз илгари сураётган ёндашув миллий ўқув дастуридаги руқнларни янгилаш ва ўзгартиришни талаб қилади. Зарур бўлса, янгиланган ва ўзгартирилган гуруҳ-руқнлар руҳига мос асарлар қайтадан сараланади. Ҳар бир гуруҳ-руқндан сўнг берилмаж талқинлар ҳам янгиланиши руҳида бўлмоғи даркор. Зеро, биз узок йиллар давомида “Улуғбек хазинаси” ва “Авлодлар довои” романидаги, “Шум бола” ёки “Кичкина шаҳзода” қиссаларидаги таг қатламни, рамз-маъноларни ўқувчига етказмадик. Натижада миллионлаб “Кичкина шаҳзода”ларнинг қалби Сахрои Кабирга айлана қолганини сезмадик. Адабиёт эса асл кучини ўтин ёришга сарфлайверди. Хуллас, адабиёт ўқитиш кескин янгиланишни кутмоқда ва истамоқда.

Тун бўйи ёққан қор парчалари саҳар тонгда оламини оппоқ сурпага ўрабди. Ҳамма ёқ шакардай оппоқ. Худди кимдир бир дунё оқ бўёқни бир чеккадан қўйиб чиққандай. Таниш манзара. Таниш сурат. Узок вақт ёлмаганиданми, қорга бўлган соғинчим олов олиб, дераза олдида хийла туриб қолдим.

Эсимда. У пайтлар қиш ҳозиргидай сийловсиз эмас эди. Қунда, кун ора қор бўралаб, атрофини бел бўйигача қорқум қоплаб олар, болапақлар шодликларини ичига сиймай, чуввос кўтаришиб, кўчаларни тўлдириб юришар, бир-бирларини ағнапти, қорга “бўқтиришар”, сирғанчиқ жойларда яхмалак учишар ё чаналарини судраб ивирсиб юришарди. Болаларнинг дунёга сиймас қийқириқлари, шоду хуррамликлари кечагидек эсимда.

Уй томлари бўғунгидек тунукали ё шиферли эмас, кета-кетгунча лой шувуқли, устида эса тиззагача келадиган қор теп-текис бўлиб турарди. Гоҳ мен, гоҳ акам бир-биримизга истеҳзо билан қор кураб тушиш учун томга чиқар, тердан ивиб ишлар, то тупроқ томнинг юзаси қўрнмаганча у ерда соатлаб қолиб кетар эдик. Ҳаммасидан ҳам завқироғи, иш битгач, уч-тўрт метри баландликдаги бўғотдан одам бўйича келадиган уюм қорга сакраш эди. Мен, айниқса, маза қилардим. Бирам роҳат эдики... Билмайман, мен бунинг тавсифини айтиб беролмайман. Шундай учигача шайланган қушдек кўларининг ёзиб, кўтарилсан-да, бор кучини тўплаб сакрайсан. Тамом-ваассалом. Қийин жойи йўқ. Аммо-лекин акам ўлгудек қўроқ эди. Нарвондан кўтариллиб, нарвондан тушар, менинг сакрашларимни қўрғанда кўзлари қосасидан чиқиб кетарди. Гоҳ-но-гоҳ кўксига тупириб, аллинималарни пичирлаб қўйганларига ҳам шохид бўлганман.

– Бир куни ўласан оёғинг синиб, – дашном берарди қўлиңча менга “тўп” этиб уюмқорга сакраган кезлар. Мен эса унга парво қилмасдим.

АССАЛОМ, ҚОР!

Ҳикоя

Ҳамма гап журъатда. Ана шунақа, томга нарвондан юғуриб чиқиб, ерга парвоз қилиб тушардим. Бу роҳатбахш ишни қўпинча уйда дадам йўқ маҳаллари қилардим. Чунки унинг жаҳли тез эди. Қўриб қолгудек бўлса, оёқларимни уриб синдиришдан ҳам тоймасди. Аммо кейинчалик мен тавбама таянгандим.

Бир куни саҳармардонда энгимдан кимдир туртиб уйғотди.

– Тур, томини кураб қўй.

Бу иш акамга ёқмаслигини, қўпинча у-буни баҳона қилиб, томга ёлғиз ўзимни чиқаришни аллақачонлар тушуниб етгандим. Тоқайгача? Индамай у ёнбосишга ағдарилиб, қўрпани устига тортидим.

– Тур, деспан сенга, – ўдағайлади акам бир парда овозини кўтариб.

– Нима? Фақат менми? Кечаям мен кураб тушардим. Булун ўзининг чиқинг, – дедим қўрпани маҳкамроқ тортиб. Акам жаҳл билан устимдаги қўрпани олиб силтаб ташлади.

– Яхшиликча тур. Тур, девялман!

“Яхшиликча” турдим. Барбир фойдаси йўқ. У айтганини қилдирадди. Кейин у билан тенг келишга кучим ҳам, хоҳишим ҳам йўқ эди.

Эшикка чиққанимда тонг энди бўзарган, осмону замин бир хил рангда ялтирарди. Қўшни томларда одамлар ивирсишар, тез-тез ерга иргитилган қорнинг “тўп-тўп” товуши эшитиларди. Қор тагин кечаси билан ёққан эмасми, томлар усти оқариб, тирсақча “ўсиб” қолганди.

Мен апил-тапил ювнибди, дастаси бўйимдан ҳам узун куракни судраганча нарвонга иришлардим. Томга кўтарилганда ёғочли дарвозамизнинг эшиги очилиб ёпилганини пайқадим. Кўча томон бўйиними чўзгандим, акамнинг қораси кўринди. Қўлида буқланган тўрва халтача. Билдим. Кўчаним бошидаги дўконга сўтга кетди.

Курак дастасини ушлаб энди ишга киришгандим ҳамки, бирдан кўз олдим қоронғилашиб, ачишди.

– Акажон, десанг қуйворман, – дўриллаган овоз шундайгина қўлоғим тагида жаранглади. – Акажон, де!

Тентак Сафар. Унинг орқамдан писиб келиб, кафтлари билан кўзларимни тўсиб олганини сезмай қолибман-да? Муздан-да совуқ, тошдан-да қаттиқ бармоқлари билан шундай сиқаётгандики, кўзларимдан нақ олов чиқиб кетаётганди.

– Қуйвор, тентак! – дедим чийиллағудай бўлиб. У эса тагин уша алфозда туриб, боғия шартини тақорлайди. Жоним оғриётганди. Унинг айтганини қилсам, нимжон деб неча кун эрмак қилиб устимдан қулиб юради, айтганини қилмасам,



Умид АЛИЙ

азоб жон-жонимдан ўтаётганди. Бошқа тоқатим қолмади. Куракнинг дастасини пастлаб сонларим орасидан ўтказиб унга шундай зарб бердим боқайш “ув”лаб юборди.

– Қандай бўларкан? – дедим жамон юзлари буришиб чотини ушлаб турган найвон Сафарга.

– У инграб сўкиниб қўйди.

– Э...

– Аҳмоқ. Ортиқ ҳазиллашмайсан энди?!

Ишни пайсалга солмай бошлаб юбордим. Сафар ўз томлари томон йўрғалади.

Сафар мендан бир ёш катта, ўнинчи синфда ўқийди. Фирт саводсиз бола. Совуқ қилиқлари-

ни-қу айтмай. Аммо бир одамгарчилиги тутса, оламда унданда яхши одам бўлмайди. У дамда менга қор курашда қарашиб туради. Уйлари икки том нарида.

Бу гал ҳам Сафар ўз томларини ойнадек қилиб тозалаб кураб бўлган, менга кўмаклашди.

– Қани энди учдик, – дедим мен аввал куракни пастта улоқтириб, сўнг бўғотга яқинлашиб сакрашга тараддулланарканман. У қулиб қўйди.

У акамдай қувенорак эмас. Бўйи терақдай бўлса ҳам кўп бор мен билан бола-баравар “парвоз” қилган. Аммо ҳозир негадир шошилмади. Сакрашга хоҳиши йўқлиги юз-кўзларидан маълум эди. Ошириб юборганимни энди фаҳмлагандим.

– Ҳа, мазанг йўқми? – дедим тиржайиб. У “боре” дегандай қўл силтади. Сўнг ўз томлари сари юрди. Мен нима сабаб бўлиб бирдан мувозанатимни йўқотдим-у, бўғотдан сирланиб кетдим. Қор устига тушганимда ҳам бир нави эди. Нақ девор таги, бетон йўлак эмасми, гавадм билан йўқилиб тушганимдан қўлим оstdа қолибди. Назаримда, билагим тирсақдан узилиб кетгандай бўлди. Жон аччиғида бақирганманми, додлаганманми, олдимда аввал Сафар, кейин яна бир нечта кўни-қўшни пайдо бўлди. У ёғини яхши эслая олмайман. Жоним шу қадар аччиғиб оғрирдикки, азобда тўлғонганимдан нима бўляпти, нима қўяпти, билмайман. Фақат шаҳар чеккасидаги касалхонанинг травматология бўлимида чап билагимни оқ бинт билан бот-бот чирмаб ўрашаётганимда ўзимга келганман. Англашимча, билагимнинг тирсақка яқин қўли синган, биқиним лал еган, бошим ҳам оз-моз оғриб турганди.

Шу-шу, бир нафаслик эҳтиётсизлигим қимматга тушиб, бир ойдан ошқанча вақт қўлим гипсда юрди. Акам эса уша куннинг эртасидан бошлаб то кўпкуннинг ярмигача қор курашдан бўшамди.

Бу воқеаларга ҳам, эх-эх, қирқ йилларга бўлди-ёв. Ҳозир ҳамманнинг уйи, иморати ўзгарган, у даврдагидек томсувоқ уйлар қолмаган энди. Қишда бирови тон устида ҳам қўрмайсиз. Болалик, ўспиринликдаги серқор қиш ҳам йўқ.

Дарвоқе, акам алоҳида иморат қилиб чиқиб кетганига чорак аср бўляпти. Дўстим, болаликдаги тентак Сафар эса мангу сафарга чиққанига ўн йиллардан ошди. Ҳар гал қор ёққанида уша маҳзун воқеа, акам ва дўстим Сафар ёдимга тушади. Юрагимга илиқлик ва ажиб бир туйғулар ўрмалаб киради.

Мана, анча пайтдан бери ёғмаган қор буғун, ҳозир менга ўспиринликнинг, узок ўтмишининг бир қатрасини, маҳзун хотирасини олиб келди.

Ассалом, қор! Ассалом, ширин хотирам!

МЕН ЖОРЖ ОРУЭЛЛ ЭМАСМАН

Автобиографик қайд



Жорж ОРУЭЛЛ (1903–1950),
инглиз адиби

1922 йилдан 1927 йилгача Бирмадаги хинд императорлик полициясида хизмат қилдим. Қисман соғлигимга путур етказган иқлим ту-

Камина 1903 йили Банголиянинг Мотихарисидан инглиз-хинд оиласида дунёга келди. 1917–1921 йилларда Итонда тахсил олдим, яна денг, стипендияга илиниб, тоза омадим чопди, лекин кўп ҳам ўқишга муқкасидан кетмадим. Итон тақдиримга ҳал қилувчи таъсир кўрсатди, деб айтолмайман.

файли, қисман ўша пайтдаёқ ёзувчиликка мойиллигим куртак оча бошлагани сабаб, аммо ҳаммасидан кўра ўзим англаб етганим – талон-тарожга йўғрилган империализмга ортиқ қул-луқ қилолмаслигим боис хизматни тарк этдим. Оврўпага қайтгач, бир ярим йилча Парижда истиколат қилиб, роман ва ҳикоялар ёздим, лекин уларни ҳеч ким нашр этишни истамади. Икки бармоғимни бурнимга тикиб, сўппайиб қолгач, бир неча йил мобайнида қашшоқликда яшадим, идиш-товоқ ювдим, репетиторлик, бир ночор хусусий мактабда муаллимлик қилдим.

Бир йилга яқин Лондондаги китоб дўконида сотувчиға кўмачки бўлдим – иш-кумароқли, бироқ биргина шу иш мени Лондонда ушлаб турарди, бундан эса жигибийрони чиқаверарди. Аммо-ле-

кин 1935 йилдан бошлаб қалам ҳақиға кун кўриш бахтига мьясар бўлдим; ўша йилнинг охирида бир қилшоққа кўчиб ўтиб, чоғроқ дўкон очдим. Дўкон ўзини аранг қоллади, лекин камина келгусида асқотиши мумкин бўлган савдогарлик тажрибасини орттириб олди.

1936 йили эса уйландим; йил охирида фуқаролик урушида қатнашиш учун Испанияга жўнаб кетдим; аёлим кўп ўтмай мени излаб борди.

Тўрт ой Арагон фронтда РОУМ партиясининг кўнгиллилар қўшинида бўлдим ва қаттиқ жароҳатландим, бахтимга, оғир асорати қолмади. Ушандан бери, виждонан айтадиган бўлсам, ҳеч нима қилмадим, фақат китоб ёздим ва жўжа боқиб, сабзавотлар етиштирдим! (Ўзим Марокашда ўтказган бир қишни бундан мустафо қилганда, албатта).

Испанияда ва кейинроқ сўл сиёсий партияларнинг ички ҳаётида кўрганларим сиёсатга нисбатан нафратимни кўзғади. Бирмунча фурсат Му-

стақил лейборчилар партияси аъзоси бўлганим, лекин ўша урушнинг бошида партиядан чиқдим, негаки унинг позицияси бемаъни ва нуқул Гитлерга ёрдам беради, деган хулосага келганим. “Сўлчи”ларга хайрихоҳман, бироқ аминмаки, ёзувчи партия шюрларидан озод бўлган ҳолдагина виждонини сақлаб қолади.

Қўйил қолишдан сира чарчамайдиган ёзувчиларим: Шекспир, Свифт, Филдинг, Диккенс, Чарльз Рид, Сэмюэль Батлер, Золя, Флобер; замонавийларидан – Жеймс Жойс, Т. С. Элиот ва Д. Лоуренс. Лекин фаҳшимча, замонашлардан Сомерсет Моэм менга кўпроқ таъсир кўрсатган; унинг рўйи-рост, ортиқча тамтароқсиз ҳикоянавислик санъатидан ҳамиша хайратланиб келаман. Ёзувчиликдан ташқари, энг кўп ёқтирганым – полизчилик. Менга инглиз таомлари ва инглиз пивоси, фаранг қизил мусалласи, испан оқ мусалласи, хинд чойи, ўткир тамаки, каминлар, шамлар ва қулай оромкурсилар ёқади.

Катта шаҳарларни, шовқин-суронни, автомобилларни, радиони, консерваларни, марказий иситиш тизимини ва “замонавий” мебелларни жиним суймайди. Рафиқамнинг диди бутунлай меникига тўғри келади. Соғлигим чатоқ, аммо истаганимни бажаримамга, айниқса, уруш кетаётган айни паллада, умуман ҳалал бермаган. Шуни қўшимча қилишим керакки, ҳозир ёзганларимнинг барчаси – ҳақиқат, Жорж Оруэлл – менинг асл исм-шарифим эмас.

Ҳозир асосан уруш билан боғлиқ вазият туфайли роман устида ишлямаялман. Лекин ё “Арслон ва Яккашоҳ”, ё “Тириклар ва ўликлар” деб номланадиган уч қисмдан иборат катта романи ўйлаб юрибман, умид қиламанки, биринчи қисмини, афтидан, 1941 йили тугатаман.

1940

Рус тилидан
Саиджалол САИДМУРОДОВ
таржимаси



Озарбойжонлик шоир дўстим Акбар Қўшали билан танишганимга унчалик кўп бўлгани йўқ – илк марта у билан 2015 йилнинг октябри бошида Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида бўлиб ўтган ХІ туркий халқлар шеърят фестивалида кўришган эдик. Орадан ўтган салкам беш йил ичида йўлларимиз азим туркий шаҳарлар Тошкент, Боку ҳамда Истанбулда кесишди ва табиийки, ҳар сафар халқларимизнинг бирлашиш ғояси суҳбатларимизнинг бош мавзуларидан бирига айланди.



“Юрагим – ёйғи...”

Тўғри-да, бугунги жамиятларда инсоният шу пайтгача қадрият деб билган тушунчалар чўп-чакка айланаётган, ҳатто демократия ўчоғи деб қаралган Ғарб мамлакатлари ҳам мултикултурализм иш бермаётганидан зорланаётган, ҳоқимият тепасига ксенофобия ва миллатчиликни шоир қилиб олган унғ кучлар чиқаётган ва фақат куч тан олинаётган замонда бирлашишдан бошқа чора йўқлиги кундай аён. Бугун бўлингани айиқ ҳам, аджарҳо ҳам ютиб юборишга тайёр ва энг ачинарлиси, бу жараён бошланиб ҳам кетди.

Туркий бирликнинг толмас тарғиботчиси бўлган Акбар Қўшали Озарбойжонни мамлақати, туркий эллар эса ватани деб билади. Бинобарин, биз – у билан ватандошмиз.

Мана – унинг шеърый жүғрофияси:

Македония. Гўзал Скопия. Қадим турк бозори...
Ёки:
Отлар оёқланди Оптой тарафдан,
Отлар қанотланди Кунботар томон...
...янги отлар ила оёқланди халқ...
Ва ёки:
...Сен ўзиндан буюксан,
Сен сўзимдан буюксан,
Сўздан баланд сасимсан,
Қорабоғ!..

Шоир учун туркий бирлик мавҳум тушунча эмас.
Биз дунёнинг тегирмон айлантириш ҳуқуқини фақат ўзига тегишли деб билаётган куч марказларига фақат бирлашибгина қарши тура олишимиз мумкинлигини Акбар Қўшали Тоғли Қорабоғ фожияси орқали сизу биздан кўра теранроқ англайди ва ушбу англам оғриқ бўлиб, “қаламу алам соҳиблари” бўлмиш шоир шеърларига кўчади.

Шоир “йўлларни оёқларига йиғиб”, дунё кезади ва туркий “оғзи бирлик” ахтаради – туркий халқлар анжуманларини ташкил этишдаги фаоллиги сабаби ҳам шунда.



Унинг шеърларидаги макон тушунчаси эга-мену мустамлака туркий элатлар жүғрофияси қадар кенг. Бу кўчишлар сабаб Ғарбга силжиб келган бу макон эртага яна асл кенгликларга қайтишига умид қилади:

...Кунботарга ботдилар у йигитлар, у отлар,
Кун каби тугилсалар!..
Кун каби тугилсалар!..

Шўқри, Акбар Қўшали сингари туркий бирлики тарғиб қилган ва қилаётган шоирлар кўп, чунки қон тортади.
Туркий қон хотираси шеърларда кўпроқ кўри-ниш беради – бу табиий. Шеър кечинмаларни бор ҳолича изҳор қилиш имконидир. Шунинг ба-

робарида, у зулмдан, мустамлакачилар назаридан ташбеҳу киноя-истиоралар орқали қочади, тақиқу тўсиқларни айланиб ёки сизиб ўтиб, ўқувчи кўнглига етиб боради. Ўқувчиси кўнглига етиб боргач, йиғила-йиғила ғояга айланади – масалан, туркий бирлик ғоясига.

Шўро истибдоди даврида илмдан кўра адабиётнинг мавқеи баланд бўлгани ва у муҳолифат ўрнида кўрилгани сабаби шу бўлса керак.

Майли, Акбарнинг шеърларига қайтамиз.
У – аввало, лирик шоир. Атроф-жавонибда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини ҳиссиётларга буркаб беради, аммо ҳиссларини очик баён қилмайди – айтай туриб айтади, сўзлар, умуман, шеър поэтикаси ортига бекитади. Бу ҳол “Кеча бизлар эдик шу ерда” шеърини бўртиб кўринади. Бунақа ҳолатни бир пайтлар япон неосенсуалистлари асарларида кўрган, туйган ва завқланган эдик.

Мана бу сатрлардаги лирик қахрамон кечинмалари тавсифига эътибор берайлик:

...Сенинг кўлинг ўйнар телефон,
Менинг эса ўйнар юрагим.
Сенинг ҳар гал табассумингдан
Ёришадим ўзларинг гул-гул.
Қаердан бу мандаги чидам?
Бепарводай турибман буткул...

Ёки:
Суҳбатлашдик.
Кўзлар тўқнашди,
Сен Бокудан сўзладинг тўлиб.
Сен гапирдинг...Мен...
Ақлим шошди,
Шеър ўқидим мен Тошкент бўлиб...
Мен аслида сендан гапирдим,
Борар эди сафарлар қариб –
Мен Тошкентни гапирган чоғим,
Сен Боқуни қиласан таъриф.

Қизиғи шундаки, муаллиф ушбу лирик шеърда ҳам юқорида зикр этилган туркий дардидан чекинмайди яни силқиб тураверади.

Акбар озар шеърятининг анъанавий стихисига қайтганда янада жўшиб кетади, ўғузча оҳанглари уйғотилади ва улар ўзини белгилаб олган теран дарёдай табиий оқа бошлайди, сўз ҳам, қофия ҳам, туроқ ҳам – барча-барчаси яхлит дарда, оҳангга дўнади. Ўқувчининг ўша изтироба беихтиёр шерик бўла бошлайди, уни ўзиникига айлантириб олади.

Ўчоқ қуриб, ёнмоғига боқмайин,
Мохнинг туғиб, ботмоғига боқмайин,
Қошларининг чақмоғига боқмайин,
Айтолмайман, не сўзлайди, замон не?

Ёки:
Фикрларим – ботмон-ботмон, ох, шомлар,
Юрак йиғлар: ох, парвона, ох, шамлар...
Қора кунлар, умримдаги оқшомлар
Бир жавобдир, бир саволдир, бир нуқта.

Албатта, бу оҳангдорликни, мусикийликни бошқа қардош тилга олиб ўтиш осон эмас, сўзлар талаффузидаги тафовут сабаб қофия сунъийлашади, мусикийлик йўқолади. Ушбу тўпламни ўғришда таржимон анча меҳнат қилгани кўри-ниб турибди ва ўйлайманки, ўзбек китобхони Акбар Қўшалини ўз шоиридай қабул қилади.

Кетган руҳдир, на оёқмас, на-да қўл,
Бу йўлларда битмас азобим-да мўл.
Мен йўлни кутаман, мени кутар йўл,
Юрагим йўлдадир, юрагим – йўлчи...

Шоир йўлчи юрагининг ўзбек заминига босган қадами кутлуғ бўлсин.

ФАХРИЁР

ХОРИЖДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЮЗАСИДАН СИЗНИ ҚИЗИҚТИРУВЧИ БАРЧА САВОЛЛАРГА УЛАРНИНГ ЎЗЛАРИДАН ЖАВОБ ОЛИШНИНГ ИЗ МУМКИН!

Роберт АДАМСОН, Австралия, Сидней Адабиёт ҳамжамияти мутахассиси.
Беттина БАЛЕКА, Австрия, шоира, “Австрия адабиёти учун” давлат мукофоти маслаҳат кенгаши аъзоси
Кристофер ФОРД, АҚШ, Мичиган университети илмий ходими.
Рикардо ДОМИНИК, Бразилия, Жанубий Америка инглиззабон шоирлар ассоциацияси маслаҳатчиси.
Хусайн ибн ҲАМЗА, Германия, Германиядаги шарқлик шоирлар уюшмаси раҳбари.

Акиф ХОНСУЛТОН, Грузия, “Қорапақлар” илмий журнали Бош муҳаррири.
Мзвакхе ИБУЛИ, Жанубий Африка Республикаси, Африка Миллий шеърят академияси саркаротиби.
Нилл АЙТКЕН, Канада, Торонто адабий таржима бирлашмасининг Осиё мамлакатлари бўлими бошлиғи.
Ким Бит НА, Корея-Ирландия, Ирландия Миллий университети шарқшунослик факультети илмий ходими.
Ҳангюк АГИАТ, Непал шоири, “Ражан Мукарунг” ёзувчилар кенгаши етакчи мутахассиси

Хонг ИН, Хитой адабаси, Пекин таржима маркази ходими
Зарина КАНУКОВА, Қабардин-Болқор, “Горянка” газетаси Бош муҳаррири.
Олтинбек ИСМОИЛОВ, Қирғизистон, Манас университети ўқувчиси, шоир.
Шаҳид АББОС, Покистон, ёзувчи
Зера БЕКИРОВА, Қирим-Татар Республикаси.
Ҳадда СЕНГОР, Мўғулистон, Мўғулистон Ёзувчилар Иттифоқининг “Халқаро алоқалар” бўлими бошлиғи.

Ҳанне ЭРСТАВИК, Норвегия жамияти етакчи мутахассиси.
Акбар ҚўШАЛИ, Озарбойжон, Дунё ёш туркий ёзарлар бирлиги раиси.
Алмаз УЛВИ, Озарбойжон, навоийшунос олима, профессор.
Рафиқ САЙДУЛЛО, Россия (Архангельск), Шимолий (Арктика) федерал университети талабаси.
Нилуфар ШИХЛИ, Россия (Москва), журналист.
Изабелла ТАН, Филиппин, Филиппин Шеърят академияси котиби.

Эллимаия СЕО, Финляндия, Финляндия Таълим маркази етакчи мутахассиси.
Денис ЭМОРИН, Франция, “Париж йилномаси” нашри мутахассиси.
Антонис ФОСТИЕРИС, Юнон шоири, ҳуқуқ фанлари доктори, Афина миллий университети профессори
Кимйё ТАНАКА, Япония, “Шиқи Хайкусфер” лойиҳаси раҳбари.
Парта АЧАРИЯ, Ҳиндистон, шоир

Муассис:

“ТАФАККУР ВУЛОҒИ”
масъулияти чекланган
жамияти

Таҳрир хайъати:

Акмал САИДОВ

Дилшод САИДЖАНОВ

Сирождидин САЙИД

Қахрамон ҚУРНОБОВ

Шухрат РИЗАЕВ

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

Муртазо СУЛТОНОВ

Аҳрор АҲМЕДОВ

Бахтиёр ИСҲОҚОВ

Тоштемир ТУРДИЕВ

Шухрат НОСИРОВ

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Ҳамкорларимиз:

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
агентлиги

Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Ёшлар
иттифоқи

Бош муҳаррир
Хосият РУСТАМОВА

Маънавий-маърифий,
адабий-бадвий,
ижтимоий-сиёсий газета

№ 4521 буюртма
Газета 2001 йил 8
декабрдан чиқа бошлаган.

ISSN 2010-6122

Газета Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида
0258 рақам билан 2012 йил
26 январда қайта рўйхатдан
утган.

Саҳифаловчи:
Шаҳобиддин МАХМАДИЕВ

Манзилимиз: 100011,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.

Телефонлар:
(71) 244-36-97
244-36-99
244-36-90

e-mail:
kitobdunyosi@mail.ru

Материаллар газетадан
кўчириб босилганда
“Китоб дунёси”дан олингани
кўрсатилиши шарт.

Баҳоиси келишилган нарҳда

Адади: 4824

Босишга топшириш вақти –
19.00
Топширилди – 19.00
№ V – 4457

Газета
“Ўзбекистон”
нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

Ҳажми А-2
бичимда, 4 босма
табоқ, офсет усулида